

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БМИни ҳимоя учун  
ДАҚга тавсия қиласман»  
Факултет декани  
\_\_\_\_\_ Т.Шарипов  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил**

**«Касб таълими» кафедраси  
5140900 – «Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)» таълим  
йўналиши бўйича**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ  
ИШИ**

**Мавзу: “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитиша  
замонавий таълим усулларидан фойдаланиш  
(Самарқанд банк коллежи мисолида)**

**Бажарди: КТБ – 114 гурӯҳ талабаси**

**М.Х.Абдуқобилова**

**Илмий раҳбар: «Касб таълими»  
кафедраси катта ўқитувчisi**

**А.Қ.Тўхтамишов**

Малакавий иш муҳокама  
қилинди ва ҳимояга руҳсат  
берилди.

Кафедра мудири, п.ф.н., доцент  
**О.Ж.Суюнов**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил

**Самарқанд – 2018**

**МАВЗУ: “АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
1.1. “Бухгалтерия ҳисоби” фани тараққиётининг устувор йўналишлари .....	7
1.2. “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитищдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	11
<b>II БОБ “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИДАН “АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ” МАВЗУСИДА ЎҚУВ МОДУЛ ИШЛАНМАСИ .....</b>	<b>12</b>
2.1. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси мавзуси бўйича маъруза матни.....	12
2.2. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитища амалий топшириқлар ва ишланмалардан самарали фойдаланиш масалалари .....	34
2.3. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуни ўқитища кейс-стади таълим технологиясидан фойдаланиш имкониятлари .....	47
<b>III БОБ САМАРҚАНД БАНК КОЛЛЕЖИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЁНГИНГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР.....</b>	<b>63</b>
3.1. Самарқанд банк колледжида маъмуриятнинг ҳавфсиз ва соғлом иши шароитини ташкил қилинганинг ҳолати ва мажбуриятлари.....	63
3.2. Самарқанд банк колледжида меҳнат муҳофазаси ва ёнгинга қарши тадбирларнинг ташкил этилиш даражаси .....	65
<b>ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....</b>	<b>68</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати....</b>	<b>70</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси демократик, хуқукий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқда. Республикаизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи – ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдир. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратишдан иборат. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар таълим тизимида ҳам янгиланишлар бўлишини тақозо этмоқда. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга оид давлат сиёсати таълим тизими ривожланиши стратегиясининг устувор йўналишларини белгилаб берди. 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар таёrlаш миллий дастури” таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда амалий дастур бўлди. Таълим соҳасидаги мазкур ҳужжатлар республикаизда таълимнинг ижтимоий – иқтисодий, маънавий – маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилгани ҳолда, халқ таълими соҳасининг барча йўналишларида модернизациялаш ишларига катта йўл очилди. Таълим ислоҳотларида асосий мақсад - халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, технологиялар ютуқлари асосида шахснинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мувваффақияти, жамиятнинг ахлоқий ва маънавий такомили ҳам кўп жиҳатдан ёшларнинг миллий тарбиясига боғлиқ”<sup>1</sup>.

Республикамиизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти стратегиясини ҳамда самарадорлигини белгилашда асос бўлувчи молиявий ахборотларнинг 70 фоизидан кўпроғини бухгалтерия маълумотларидан олади. Шу нуқтаи назардан қараганда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини иқтисодиёт субъектларида юқори эканлигини этироф этиш мумкин.

Бу соҳада мутахассис кадрларни тайёрлашда, шунингдек касбий малакаларини оширишда, амалий кўникмаларни шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби фанининг ўрни беқиёсdir. Хўжалик субъектларида асосий воситалар муҳим аҳамиятга эга. Асосий воситалар ҳисобини юритишда бир қанча мунозарали ҳолатлар кузатилмоқда. Бу эса асосий воситалар ҳисобини юритишда илмий - тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш шу соҳа бўйича таълим олаётган ўқувчиларни янги педагогик технологиялар асосида ва интерфаол усуслар ёрдамида, ахборот технологияларини кўллаган ҳолда ўқитиш битириув малакавий ишнинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзусининг ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик субъектларида асосий воситалар ҳисобини юритиш ва такомиллаштириш, назарий жиҳатларини ёритишда кўплаб хорижий иқтисодчи олимларни келтиришимиз мумкин, жумладан, А.Шеремет, Д.Стенворт, Л.Воронина, Ф.Вуц, К.Друри, М.Калтакова, Н.Карзаева, А.Матвеев, Б.Нидлз, В.Новодворский, В.Палий, Ж.Ришар, Е.Русакова, М.Астахов, В.Суйц, С.Пучкова, Р.Энтони ва бошқалар.

Мамлакатимиз олимларидан А.Сотиволдиев, А.Пардаев, А.Каримов, А.Абдуллаев, Р.Дусмуратов, А.Жуманов, Н.Жўраев, А.Ибрагимов, З. Маматов,

---

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 64 -б.

М.Пардаев, Н.Ризаев, М.Тулахўжаева, М.Пўлатов, К.Уразов, Ш.Хайдаров ва бошқалар ҳам мавзу бўйича илмий изланишлар олиб боришиган.

“Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш, шунингдек таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича республикамиз олимлари ўзларининг илмий – тадқиқот ишларини олиб боришиган. Жумладан, Н.С.Саидахмедов<sup>2</sup>, Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина<sup>3</sup>, Б.Ю.Ходиев, О.К.Рихсимбоев<sup>4</sup>, Ш.Ш.Шадмонов, Г.Д.Баубекова<sup>5</sup>, Г.М.Халикова<sup>6</sup>, Д.М.Файзуллаева, М.А.Ганиева, И.Неъматовларни мисол қилиб келтириш мумкин<sup>7</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсади.** “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитишида инновацион технологияларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитишида қўйидагилар тадқиқот вазифалари этиб белгиланган:

- “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ёритишида педагогик технологияларнинг назарий жиҳатларини асослаш;
- “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид амалдаги қонунчилик асосларини ёритиб бериш;
- мавзуни ўқитиши юзасидан инновацион таълим технологияларини асослаб бериш;
- мавзу бўйича таълим сифатини оширишга қаратилган инновацион таълим технологияларини кўрсатиб бериш;

---

<sup>2</sup> Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000

<sup>3</sup> Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления.- Т.: Минвуз, 2002.

<sup>4</sup> Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В, Рихсимбоев О.К. Кейс-стади – иқтисодий олий ўқув юртижаги замонавий таълим технологиялари: Илмий-услубий қўлланма. Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.

<sup>5</sup> Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории: Методическое пособие. - Т.: Центр «Янги аср авлоди», 2004.

<sup>6</sup> Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.М. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. - Т.: ФАН, 2002.

<sup>7</sup> Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Мақсад белгилаш ва уч даражали тестларни ишлаб чиқишининг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013.

- мавзу бўйича таълим сифатини оширишга қаратилган педагогик технологияларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг предмети.** “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитишида инновацион таълим технологияларни қўллаш жараёнидаги муносабатлар

**Тадқиқот обьекти:** Бухгалтерия ҳисоби фанининг “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижасида таклиф этилган таълим ва педагогик технологиялар ўқувчиларда замонавий билим ва кўнимкамларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласди.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иш ўзбек тилида ёзилган бўлиб кириш, З та боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Биринчи бобда “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитишининг илмий-назарий масалалари баён этилган.

Иккинчи бобда “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси бўйича ўқув модул ишланмасининг методологик асослари ёритилган.

Учинчи бобда Самарқанд банк коллежида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ва ёнғинга қарши чоратадбирларнинг ташкил этилганлиги баён қилинган.

Хулосада олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича фикр ва мулоҳазалар акс этган.

Битирув малакавий ишнинг мазмуни 73 бетни ташкил қиласди.

# **І БОБ. “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИНИ ҮҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1. “Бухгалтерия ҳисоби”фани тараққиётининг устивор йўналишлари**

Биз “Бухгалтерия ҳисоби” фанининг тараққиёти ҳамда устивор йўналишлари ҳақида гапирганимизда, аввало, бу фаннинг тарихини, унинг ривожланиш босқичларини англаб етишимиз зарур. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби фани тарихини ўрганиш ҳам қизиқарли ва шу вақтнинг ўзида мураккаб соҳа бўлиб ҳисобланади.

Тарихга чуқурроқ назар ташласак, бунинг моҳияти яққол намоён бўлади. Хўжалик юритишининг ҳозирги шароитида ҳисобнинг ўрни ва аҳамиятини, келгусидаги ўсиши ва келажакни тўлиқ баҳолаш учун унинг ривожланишини тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқиш, ўрганилаётган ҳар қандай объектнинг ривожланиши ва ҳаракатини текшириш ҳамда аниқланган боғланиш ва қонуниятларни ўрганиш зарурияти туғилади.

Мана нима сабабдан синчков одамлар тарихни ўрганадилар, кишилар билимлар хазиналарига қанча улуш қўшганларини билиб оладилар. Шу сабабли бўлғуси бухгалтерлар учун ўз фанининг тарихини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Ремпубликамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек: “Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”. Шундай экан, ўрганаётган фанимизнинг тарихи ва ривожланиш босқичларини билишимиз лозим.


Бухгалтерия ҳисоби фанининг ривожланиш даври Қадимги Қадимги Миср, Вавилон ва Қадимги Греция давлатларига бориб тақалади.

Масалан, Қадимги Миср давлатида Фиръавн саройи хизматкори – Неферхотепга қуйидаги вазифаларни юкларди: Фиръавн уйида тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, ҳеч кимни унутмай ва мавқеини алмаштиrmай ҳаммага озиқ-овқат бериш, пирамида учун қанча ғишт, нон ва пиво учун қанча буғдой, йўлни қандай қуриш керак ва бунга қанча ишчи керак бўлади, буларнинг

ҳаммасини у ҳисоблаб чиқар эди. Ҳар куни эрталаб ҳисобчи хизматкор орқали шоҳга, маликага, шаҳзодаларга янги озиқ-овқатлар киритар, омборчини назорат қиласар ва сарфларнинг барчасини қоғозларга ёзиб қўярди. Қоғозларда кирим-чиқим ҳисоб-китоби юритилиб, аввалги кундан қолган қолдиқлар, шу кундаги сарфлар ва уларнинг қолган қолдиқлари ҳисоби ёзиб борилар эди. Бошқа давлатларда эса бухгалтерия ёзувлари лойларга ва териларга ёзиб борилар эди.

Шу пайтлардан бухгалтерия соҳаси ривожланиб келди. Бухгалтерия ҳисобини фан сифатида вужудга келишига энг катта ҳисса қўшган мактаблардан бири бўлиб Италия мактаби ҳисобланади. Айнан ушбу мактаб вакили, мутахассислиги бўйича математик бўлган Лука Пачоли (1445-1517 йй.) бухгалтерия ҳисоби фанининг яратувчиси сифатида бутун дунё мамлакатларида тан олинган. Унинг 1494 йилда чоп этилган “Счёtlар ва ёзувлар тўғрисида трактат” номли асари биринчи марта бухгалтерия ҳисобини фан сифатида ўқитилишига асос бўлган. Буюк олимнинг асарида биринчи марта бухгалтерия счёtlари, уларга икки ёқлама ёзиш тушунчалари киритилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бухгалтерия соҳасида ислоҳотлар амалга оширилди. Буни қуйидаги 1-чизмада келтиришимиз мумкин.



### 1-чизма. Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Хизирги кунгача 24 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг тўғридан-тўғри жалб қилиниши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишни зарурият қилиб қўймоқда. Бунинг тасдиги сифатида қўйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин: “Ўтган 5 йил давомида иқтисодиётимизга жами бўлиб қарийб 67 миллиард доллар инвестиция йўналтирилди, бунинг 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялардир”<sup>8</sup>.

Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида ташкил қилиш ва юритиш талаб қилинади. Демак, Республикаизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида ташкил қилишнинг зарурияти туғилди.

МҲҲС қўйидагилардан ташкил топади:

МҲҲС (IAC – International Accounting) МҲҲС бўйича қўмита томонидан 1973 йилдан 2001 йилгача ишлаб чиқилган стандартлар.

МҲҲС (IFRS – International Financial Reporting Standards) МҲҲС кенгаши томонидан 2001 йил апрелдан бошлаб ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилаётган стандартлар.

ГААП (GAAP) – Generally Accepted Accounting (Бухгалтерия ҳисобининг Умумқабул қилинган принциплари) – АҚШда фойдаланиладиган молиявий ҳисобнинг стандартлари ва принциплари тизими.

---

<sup>8</sup> Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

ГААП – Америка сертификатга эга мустақил бухгалтерлар институти (AISPA) Молиявий ҳисоб бўйича стандартлар қўмитаси (FASP) ва бухгалтерия ҳисоби бўйича Давлат комиссияси (GASB) томонидан ишлаб чиқилади.

МҲҲС моҳиятини тушуниш учун бухгалтерия ҳисобининг моделларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирда бухгалтерия ҳисобининг қўйидаги моделлари мавжуд:

1. Британия-Америка-Инглиз-Саксон модели.
2. Континенталь модель.
3. Жанубий Америка модели.
4. Ислом модели.

Бу моделлар бухгалтерия ҳисоби ва солиқقا тортиш тизими ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Бухгалтерия ҳисобининг моделларини кўриб чиқишида ишлаб чиқариши ва саноати ривожланган Германия, АҚШ, Россия, Франция, Япония ва Буюк Британия мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан, бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бир-биридан фарқ қиласди. Иккинчидан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ҳалқаро стандартларининг асоси яратилган ва улар БҲҲС ривожланишига таъсир қиласди. Учинчидан эса, бу мамлакатлар тажрибаси республикамизда бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қиласиган бўлсак, республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикаимизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича бухгалтерга электрон мадад (ВЕМ) дастури яратилди ва шунга ўхшаш бир қанча дастурлар амалиётда қўллаб келинмоқда.

## **1.2. “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар**

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш – замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи қасбий таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг қасбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантириди. Шу асосда, бугунги кунда республикамизнинг барча таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, кичик мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг қасбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий қасбий билим, малака ва кўникумалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникумаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишининг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда профессор-ўқитувчиларнинг компьютер ва интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; таълим муассасаларининг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш; мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш

таълим муассасалари, хусусан, педагог кадрларининг фаолият йўналишлари таркибини белгилайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади бозор механизмига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборатdir.

Ўқитувчи доимо ўз педагогик маҳоратини ошириб, уни санъат даражасига етказиб бориши керак. Ўз фикрини тушунарли, кўргазмали ифодалай билиш, жаҳон ва мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги воқеаларга ўз муносабатини билдириши, таълим беришга ижодий ёндашувни ривожлантириб бориши керак.

Мамлакатимиз таълим тизимиға кириб келаётган инновацион таълим усулларидан бири модулли ўқитиш усулидир.

Модул тушунчаси - бу дидактик мақсадлар, мантиқан тугалланган (фанлараро ва фан ичидағи боғланишни ҳисобга олиб тузилган) ўкув материали қисми, (дидактик материаллардан иборат) услугбий қўлланма ва назорат тизимини ўз ичига оловчи, ўкув фанининг алоҳида ташкилий услугбий тузилишидир.

Модул блоклари назарий, амалий ва назорат қисмларидан иборат бўлади.

#### **Модулли таълимнинг анъанавий таълимдан фарқи:**

- Билим ва кўникмаларни беришга йўналтирилган;
- Аниқ белгиланган қатъий маълум касбий соҳани (аниқ ҳолатда ҳаракат қилишга тайёрлиги) эгаллашга йўналган.

Модулли ўкув ахборотнинг таълим моҳияти шундан иборатки, бунда таълим оловчи кўпроқ унга тақдим этилган мақсадли ҳаракат режасига мувофиқ, қўйилган дидактик мақсадларга эришишда ахборотли банк ва услугбий қўлланмани ўз ичига оладиган индивидуал режа билан мустақил ишлайди.

Модулли ўзлаштиришдан аввал модулли режа билан танишиб, ўкувчи ўзлаштириш вақтида, эгаллаши лозим бўлганлар тўғрисида маълумотга эга бўлади.

Ўқув материалини биргина маҳорат даражасида муваффақиятли ўзлаштиргандан сўнг, у шу ўқув вақти мобайнида, фақат юқорироқ даражада бўйича ўқиши давом эттириши мумкин.

Яъни ўқувчининг руҳий, жисмоний ва ақлий сифатларига боғлиқ ҳолда курсни ўтишнинг индивидуал программалари аниқланади.

Модулли ўқитиш тамойиллари:

1. Ахборотли материални мақсадга қаратилган вазифа тамойили. Шу қоидага мувофиқ, қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган, берилган мавзу мақсадидан келиб чиқиб, ахборотли модулли блок тузилади, яъни аввал мақсад шакллантирилади, ундан сўнг эса модулли дастурнинг ахборотли модулли блоки ва модуллари шакллантирилади.

### **2. Ўқув материалининг *мукаммаллик* тамойили:**

- модулда албатта ўқув материалини асосий томонлари, ушбу материалга тушунтиришлар бериш ва материалга қўшимча чукурроқ кириб бориш имкониятларини кўрсатиш;
- адабиётлар манбани кўрсатиш;
- амалий вазифаларни бериш ва уларни ечиш йўлларини тушунтириш;
- назарий ва амалий топшириқлар ва уларга жавобларни келтириш керак.

3. *Қайтар алоқа* тамойили. Билимларни ўзлаштириш жараёни бошқариладиган ва ўзлаштиришни назорат қилиш имкони бўлишини талаб этади.

Услубий ахборотли материални *мақбул етказиши* қоидаси. Модул материалини шундай шаклда ифодалаш керакки, таълим олувчилар аниқ шароитларда уларни энг кўп самарали ўзлаштиришини таъминлаш.

## **II БОБ. “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИДАН “АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ” МАВЗУСИДА ЎҚУВ МОДУЛ ИШЛАНМАСИ**

### **2.1. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси бўйича маъруза матни**

#### **МАВЗУ: АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ**

**Режа:**

1. Асосий воситаларнинг туркумланиши, баҳоланиши ва бухгалтерия ҳисобининг вазифалари
2. Асосий воситалар ҳаракатининг ҳисоби
3. Асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби
4. Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш
5. Асосий воситаларнинг таъмирланишини ҳисобга олиш
6. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш
7. Асосий воситаларнинг инвентаризацияси

**Таянч иборалар:** *Бошлиғич қиймат, қайта тикланган қиймат, қолдиқ қиймат, асосий воситаларни қабул қилиши-топшириши далолатномаси, инвентар карточкалар, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариши далолатномаси, капитал қўйилмалар, асосий воситаларнинг корхонага келиши, асосий воситаларнинг корхонадан чикиб кетиши, ҳисоб регистрлари, инвентаризация, камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия ҳисобида акс эттириши, асосий воситаларни ҳисоботларда акс эттириши тартиби.*

#### **1. Асосий воситаларнинг туркумланиши, баҳоланиши ва бухгалтерия ҳисобининг вазифалари**

Асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасининг 5-сонида қўйидагicha таъриф берилган:

**Асосий воситалар деб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида фойдаланадиган, шунингдек узок муддатли ижарага**

Асосий воситаларни ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуидагилардан иборат:

- асосий воситаларнинг киримини, корхонадаги ҳаракати ва ҳисобдан чиқариш ўз вақтида тегишли ҳужжатларга асосан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
  - асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш;
  - асосий воситалар жўнатилганда молиявий натижалар тўғрисида аниқ маълумотлар олишни таъминлаш;
  - солиқ тўловларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотларни аниқ ҳисоблаш имконини таъминлаш;
  - асосий воситаларни таъмирлаш ҳаражатлари ва улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
  - асосий воситалар нақдлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги статистик ва бухгалтерия ҳисобларида талаб қилинган маълумотларни бериш имкониятини яратиш ва ҳ.к.

Юқоридаги бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини бажариш учун асосий воситаларни илмий асосланган ҳолда туркумлаш, шунингдек бухгалтерия ҳисобида баҳолаш.

Корхона асосий воситалари таркибига кўра ҳар хил бўлиб, маълум белгилари асосида туркумланади. Корхоналарда асосий воситаларнинг ягона намунавий туркумлаши қўлланилади. Унга кўра улар тармоқ белгиларига, тайинланишига, турлари, қайси соҳага тегишли эканлиги ва фойдаланишига кўра туркумланади.

Асосий воситаларни тармоқ белгиларига қараб гурухлаш (саноат, қурилиш, савдо, қишлоқ хұжалиги ва бошқалар) ҳар бир тармоққа тегишли асосий воситаларнинг қиймати түғрисида маълумот олиш имконини беради.

Тайинланишига кўра корхоналарнинг асосий воситалари асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар, бошқа тармоқлардаги асосий ишлаб чиқариш воситалар ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситалар.

Корхоналарнинг асосий воситалари турлари бўйича қуидагича гурухланади:

- бинолар ва иншоотлар;
- узатувчи мосламалар;
- машина ва асбоб-ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб ускуналар;
- ишлаб чиқариш инвентарлари ва буюмлар;
- хўжалик инвентарлари;
- иш ва маҳсулдор хайвонлар;
- кўп йиллик дараҳтлар;
- ерларни яхшилашга сарфланган капитал сарфлар ва бошқа асосий воситалар.

Шунингдек, ижарага олинган асосий воситаларга сарфланган капитал кўйилмалар ҳам асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни турлари бўйича туркумлашдан кўзланган асосий мақсад уларнинг аналитик ҳисобини ташкил қилишдир.

Кимга тегишлигига қараб асосий воситалар ўзига тегишли ва ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади. Фойдаланиш белгиларига қараб эса асосий воситалар эксплуатациядаги, реконструкциядаги ва қайта куроллантиришдаги асосий воситаларга бўлинади.

Асосий воситаларнинг даслабки қиймати ҳукumatнинг маҳсус қарори бўйича қайта баҳоланганда ўзгариши мумкин. Шунингдек, уларнинг дастлаб қиймати техник жиҳатдан реконструкция қилиш ва қайта қуриш натижасида фойдаланиш, хизмат кўрсатиш муддати узайса ёки обьектларнинг ишлаб чиқариш қуввати ошса, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сони кўпайса ёки

ишлиб чиқариш таннархи пасайса уларнинг дастлабки қиймати кўпайиши мумкин.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг дастлабки қийматидан эскириш қийматини айриш йули билан аниқланади.

Вақт ўтиши натижасида асосий воситаларнинг дастлабки қиймати худди шунга ўхшаш замонавий асосий воситаларнинг қийматидан фарқ қила бошлайди. Ушбу фарқни тугатиш учун асосий воситаларни маълум даврларда қайта баҳолаш амалга оширилади ва уларнинг тиклаш қиймати аниқланади.

Тиклаш қиймати деб асосий воситаларни ҳозирги шароитда амал қилаётган баҳода ҳисобга олиш, замонавий техника ва технология билан қуриш ёки ишлиб чиқариш тушунилади.

Республикамизда асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорига кўра 1995 йил 1 январга охирги марта қайта баҳоланди.

Ушбу қарорга кўра корхоналарнинг балансидаги иморатлар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, асбоб - ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа асосий фондларнинг техник ҳолатидан қатъий назар қайта баҳоланди.

Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши уларнинг баланс қийматларини белгиланган коэффицентларга кўпайтириш бўйича (индексация қилиш орқали) амалга оширилди.

Асосий воситаларнинг ҳисоб бирлиги бўлиб алоҳида инвентар обьектлари ҳисобланади. Инвентар обьектлари деганда битта функцияни бажаришга мўлжалланган, тўла қуриб бўлинган ёки ишлиб чиқарилган алоҳида предмет ва предметлар комплекси тушинилади.

Ҳар бир инвентар обьектига алоҳида инвентар номерлари белгиланади ва фойдаланиш жараёнида, тугатиш, таъмирлаш жараёнида инвентар номерлари сақланади. Инвентар номерлари ҳисобга олинадиган предметга бириктириб қўйилади ва тегишли хужжатларда акс эттирилади.

Мураккаб инвентар объектлари у ёки бу иншоотлар, алоҳида элементлари бирлигига битта инвентар объектни ташкил қилувчи ҳар бирига ушбу инвентар объектнинг номери ёзиб қўйилади.

Корхонадан чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг инвентар номерлари янги келиб тушган асосий воситаларга берилиши мумкин.

Ижарага олинган асосий воситалар ижарага берувчи инвентар номерлар бўйича хисобга олинади.

## **2. Асосий воситалар ҳаракатининг ҳисоби**

Асосий воситаларнинг ҳаракати уларнинг келиб тушиши, чиқиб кетиши ва корхона ичидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнлари таъсири остида содир бўлади. Ушбу хўжалик жараёнлари тегишли ҳисоб хужжатларига асосан расмийлаштирилади.

Корхонага келиб тушган асосий воситани корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия қабул қиласи. Комиссия қабул қилган ҳар бир объект учун алоҳида бир нусхада асосий воситаларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси (ОС-1 шакл) тузилади ва уни корхона раҳбари тасдиқлайди.

Бир нечта объект учун умумий далолатнома фақат ушбу объектларнинг хаммаси ягона типда бўлса ва уларнинг қиймати бир хил бўлса, шунингдек бир кунда битта жавобгар шахс томонидан қабул қилинганда тузиш мумкин. Далолатномаларда объектларнинг номи, қурилган ёки заводдан чиқарилган вақти, дастлабки қиймати, берилган инвентар номери, фойдаланиш жойи ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Қабул қилинган объектни тавсифловчи техник хужжатлар далолатномага илова қилинади. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг корхона бухгалтериясига топширилади ва уларга асосан бухгалтерияда асосий воситаларнинг инвентар карточкаларида тегишли ёзувлар амалга оширилади. Ундан сўнг техник хужжатлар доимий сақлаш учун тегишли бўлимларга берилади.

Асосий воситаларнинг корхона ичидағи ҳаракати юк хатига асосан (ОС-2 шакл) расмийлаштирилади. Унда топширувчи ва қабул қилувчининг исми, шарифи, лавозими, асосий воситаларнинг бирини иккинчисига бериш сабаблари ва асоси, объектнинг қисқача тавсифи, техник ҳолати кўрсатилади. Юк хати икки нусхада тузилади ва топширувчи ҳамда қабул қилувчи имзо чекади. Юк хатининг бир нусхаси корхона бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси топширувчида қолади ва у асосий воситаларнинг инвентар руйхатидан чиқиши тўғрисида белгини қўйиш учун асос бўлади.

Капитал қўйилмалар ҳисобидан қуриб битказиладиган объектларни қуриш ва асбоб ускуналар билан жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган тугалланган ишларни қабул қилиш, таъмирланган, реконструкцияланган ва қайта модернизацияланган объектни қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан (ОС-3 шакли) расмийлаштирилади. Далолатномада объектнинг дастлабки қиймати ва содир бўлган техник ўзгаришлардан сўнги қиймати ва бошқа зарур техник кўрсаткичлар акс эттирилади. Ушбу ишларни корхонанинг ўзи амалга оширса акт бир нусхада, агар бошқа ташкилот амалга оширса икки нусхада тузилади ва далолатномада объектни қабул қилувчи ва топширувчилар ўз имзолари билан тасдиқлайди.

Асосий воситаларнинг сони унчалик қўп бўлмаган корхоналарда объектлар бўйича ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар дафтарида (№ОС-11 шакл) юритилиши мумкин. Дафтарга асосий воситалар уларнинг туркумлари бўйича ва фойдаланилаётган жойлари бўйича ёзилади.

Бухгалтерияда ижарага олинган асосий воситалар бўйича инвентар карточкалари очилмайди. Аналитик ҳисобни ташкил қилиш учун эса ижарага берувчи тамонидан берилган асосий воситаларнинг инвентар карточкасининг кўчирмасидан фойдаланилади.

Инвентар карточкалар тўлгазилгандан сўнг маҳсус рўйхатда қайд этилади. Карточкалар рўйхатда туркумдаги гурӯхлари бўйича жойлаштирилади.

Инвентар карточкалардан ташқари асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси ҳам юритилади. Унда корхона ва унинг бўлимлари бўйича асосий воситаларнинг ҳаракати микдори ва қиймати бўйича акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидаги қуйидаги счёtlарда ҳисобга олинади:

0100 “Асосий воситалар” (актив счёт);

0200 “Асосий воситаларнинг эскириши” (контр-актив счёт);

9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан кўрилган фойда” (транзит счёт);

9431 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимидан кўрилган зарар” (транзит счёт).

Барча турдаги асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетиши асосий воситаларнинг тутатилиши тўғрисидаги далалотнома билан расмийлаштирилади. Фақатгина бундан юк ва енгил автомобиллар истисно. Улар автотранспорт воситаларини тутатиш хақидаги далолатномага биноан ҳисобдан чиқарилади. (№ ОС-4а).

Асосий воситаларни тутатилиши тўғрисидаги далолатномаларда уларни тутатишдан олинган материаллар эҳтиёт қисмлар ва бошқалар, шунингдек тутатиш учун қилинган ҳаражатлар, бошланғич ишлаб чиқариш қиймати, эскириш қиймати ва тутатиш натижаси кўрсатилади.

### **3. Асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби**

Асосий воситаларнинг туркумланиши аналитик ҳисобни юритиш учун асос килиб олинади. Инвентар карточкалари ва ҳисобга олиш дафтари ва инвентаризация рўйхати асосий воситаларнинг аналитик ҳисобининг асосий регистрлари ҳисобланади. Уларнинг қандай шаклда бўлиши асосий воситаларнинг турларига боғлиқ. Баъзи корхоналарда аналитик ҳисоб инвентар карточкаларида юритилса, бошқаларда эса асосий воситаларни ҳисобга олиш дафтари ва инвентаризация рўйхатидан фойдаланилади.

0100 “Асосий воситалар” счёти мулк тариқасида тегишли бўлган асосий воситалар тўғрисида маълумотлар бериш учун мўлжалланган.

Таъсисчилар томонидан устав капиталига ҳисса сифатида берилган асосий воситалар қуидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет 0100 “Асосий воситалар”

Кредит 8330 “Пай ва қуийлмалар”

Асосий воситалар корхоналар ва жисмоний шахслардан бепул олинганда ва хукумат органларидан субсидия тариқасида берилганда бухгалтерия ҳисоби счётларида қуидагича акс эттирилади:

Дебет 0100 “Асосий воситалар” счёти

кредит 8810 “Грантлар”

кредит 8400 “Қўшилган капитал” (давлат корхоналарида)

#### **4. Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш**

Хўжалик субъектларида асосий фонdlар бўйича амортизация ажратмаларни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амортизация ҳисоблаш обьекти бўлган асосий воситалар таркиби ўзгарган, шунингдек амортизация ҳисобланадиган асосий формулалар рўйхати ички хўжалик йўллари, асбоб ускуналар, траснпорт воситалари, захирада турган ва корхона балансидаги асосий фаолиятга тегишли бўлган асосий воситалар билан тўлдирилади.

1991 йил 1 январдан асосий фонdlарга амортизация ҳисоблаш тартиби ўзгарган, унга мувофиқ фақат тўла тиклаш учун амортизация ҳисобланади. 1992 йил 1 апрелдан бошлаб асосий воситаларга эскириш тиклаш қиймати бўйича ҳисобланмоқда.

Хориждан сотиб олинган асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда ва шунга ўхшаш асосий воситаларга белгиланган нормалар асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомда ижарага олинган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблашнинг турли хил тартиблари қўзда тутилган бўлиб, у ижаранинг

турларига боғлиқ. Агар ижарага топширилаётган объект узоқ муддатли ижара шарти билан топширилса, бунда асосий воситаларга амортизацияни ижараги ҳисоблайди ва маҳсулотнинг таннархига олиб борилади. Агар ижарага берилаётган объект жорий ижара шарти билан берилса унда асосий воситаларга амортизацияни ижарага берувчи ҳисоблайди ва уни реализациядан ташқари жараёнлар ҳаражатлари таркибида акс эттирилади. Ҳисобланган ижара хаки эса реализациядан ташқари даромадлар таркибида ҳисобга олинади.

Низомда янги ҳисоблаш техникаларини материаллар, приборлар ва асобоб ускуналарнинг янги прогрессив турларини ишлаб чиқарувчи ва эспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириши учун жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий воситаларни ёппасига алмаштиришни кўзда тутган корхоналарга амортизация ҳисоблашнинг усулини қўллашга рухсат этилган.

Амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усули қуйидагиларга рухсат этилмайди:

- меъёр бўйича фойдаланиш муддати 3 йилгача бўлган машиналар, асобоб ускуналар ва транспорт воситаларига;
- аэрофлотнинг самолёт мотор паркининг норматив хизмат муддати самолёт ва вертолётларнинг иш соатлари миқдорига боғлиқ бўлган айrim асобоб ускуналарга;
- автомобил транспортининг ҳар 1000 км хақиқатда босиб ўтилган йўлига қараб фоизда ҳисобланадиган амортизация ажратмасига;
- фақат белгиланган синов ва маълум маҳсулотларни чекланган миқдорда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асобоб ускуналар ва техникаларга жадаллаштирилган амортизация ҳисоблашда амортизация ҳисоблашнинг teng усули қўлланилади, бунда амортизация ажратмасининг йиллик нормаси 2 мартадан ошмаслиги керак.

Амалиётда ойлик амортизация миқдорига қуйидаги тартибда аниқланади:  
ўтган ойда амортизация миқдорига шу ойда келиб тушган асосий

воситаларнинг ойлик амортизация миқдори қўшилади ва шу ойда чиқиб кетган асосий воситаларнинг амортизация миқдори айриб ташланади.

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун ҳисобда 0200 “Асосий воситаларнинг эскириши” контр-актив счётдан фойдаланилади. Ушбу счётга асосий воситаларнинг турига қараб қўйидаги субсчёtlар юритилади:

- 0211, 0212, 0220, 0240, 0250, 0260, 0270, 0280, 0290, 0299 счёtlар.

Жорий ижарага берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация миқдорига 8700 счёт дебетланади ва 0200 кредитланади.

Маҳсулдор ҳайвонлар, буғулар, кутубхона фондлари, ёш қўчатлар, умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари, консервацияга берилган асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди.

Амортизация ҳисоблаш муддати тугаган асосий воситаларга эскириш ҳисобланмайди. Ўзига тегишли асосий воситалар корхонадан чиқиб кетганда 0200 счёт дебетланади ва 9400 счёт кредитланади. 0200 счёт бўйича аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

Амортизация фондининг жамғарилиши ва фойдаланиши бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттирилмайди. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан тушган тушум таркиbidаги амортизация ажратмаси ҳисобланниш счётига ёки корхонанинг тегишли счёtlарига ўtkазилади ва ушбу счёtlардан асосий воситаларга тегишли капитал қўйилмаларини мослаштириш жараёнида ҳисобдан чиқарилади.

Амортизация ҳисоблаш усуллари қўйидаги 2.1.4.1, 2.1.4.2, 2.1.4.3 ва 2.1.4.4 - жадвалларда берилган.

## 2.1.4.1-жадвал

### Амортизацияни түғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдик қиймати
1-йил	5000000	960000	960000	4040000
2-йил	5000000	960000	1920000	3080000
3-йил	5000000	960000	2880000	2120000
4-йил	5000000	960000	3840000	1160000
5-йил	50000	960000	4800000	200000

## 2.1.4.2-жадвал

### Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдик қиймати
1-йил	500000	800000	80000	80000	420000
2-йил	500000	1200000	120000	200000	300000
3-йил	500000	1000000	100000	300000	200000
4-йил	500000	800000	80000	380000	120000
5-йил	500000	1000000	100000	480000	200000

## 2.1.4.3-жадвал

### Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати (минг сўмда)	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдик қиймати
1-йил	5000	(40%*5000)=2000	20000	30000
2-йил	5000	(40%*3000)=1200	32000	18000
3-йил	5000	(40%*1800)=720	39200	10800
4-йил	5000	(40%*10800)=4320	43520	6480
5-йил	5000	4480	48000	2000

## 2.1.4.4-жадвал

### Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	қолдик қиймати
1-йил	5000	(5/15*4800)=1600	1600	3400
2-йил	5000	(4/15*4800)=1280	2880	2120
3-йил	5000	(3/15*4800)=9600	3840	1160
4-йил	5000	(2/15*4800)=6400	4480	5200
5-йил	5000	(1/15*4800)=3200	4800	200

### 5. Асосий воситаларнинг таъмирланишини ҳисобга олиш

Асосий воситалар таъмирлашнинг мураккаблиги ҳажми ва қийматини ҳисобга олган ҳолда, уларни капитал ва жорий таъмирлашга бўлиш қабул қилинган.

Асосий воситаларни таъмирлаш хўжалик усулида ёки пудрат усулида амалга оширилиши мумкин. Барча ҳолларда таъмирлашни амалга ошириш учун нуқсонлар қайдномаси тузилади. Нуқсонлар қайдномаси бўйича аввал таъмирлашнинг смета қиймати аниқланади ва таъмирлаш жараёни тугатилгандан сўнг эса унинг хақиқий қиймати аниқланади ва смета қийматидан четга чиқиш аниқланади.

Агар капитал таъмирлаш хўжалик усулида амалга оширилса, нуқсонлар қайдномасига асосан 3 нусхада наряд буюртма тузилади. Унинг 1-нусхаси таъмирлашни амалга оширувчи бўлинмага, 2-нусхаси бухгалтерияга аналитик ҳисобни юритиш учун, 3-нусхаси эса бош инженерда таъмирлашнинг боришини назорат қилиш учун сақланади. Нуқсонлар қайдномасига ва наряд буюртмаларига асосан омборлардан материал ва эҳтиёт қисмлар олиш учун хужжатлар ёзилади.

Таъмирлаш ҳаражатларини тўғридан тўғри маҳсулотлар иш ва хизматларнинг таннархига олиб бориш мумкин ёки уларни қоплаш учун

олдиндан қилинган ажратма ҳисобига ташкил қилинган таъмирлаш фондидан қоплаш мумкин.

Таъмирлаш ҳаражатлари тўғридан тўғри маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳаражатларига олиб борилганда ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олувчи счёtlар дебетланиб тегишли счёtlар кредитланади. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳаражатлари ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олувчи счёtlарда тегишли ҳаражат моддаларида акс эттирилади.

Таъмирлаш фондини тузган корхоналарда уларни ҳисобга олиш учун 8900 “Келгуси давр ҳаражатлари ва резервлар” счётига алоҳида “Таъмирлаш фондиди” субсчёти очилади.

Таъмирлаш фондига ажратмалар қилиш таъмирлашнинг барча турлари бўйича режадаги смета ҳаражатларига асосан қилинади. Таъмирлаш фондига қилинган ажратмалар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қўйидагича акс эттирилади.

Дт 2000, 2300 ва бошқа ҳаражатларни ҳисобга олувчи счёtlар (ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган асосий воситалар)

Кт 8900 “Келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлари” счётининг тегишли субсчёти.

Таъмирлаш фонди ташкил қилинган корхоналарда таъмирлаш ишлари хўжалик усулида амалга оширилган ҳолда таъмирлаш ҳаражатларини 2300 счёtdа ҳисобга олишлари зарур. Ушбу счёtnинг дебетида ҳақиқатда амалга оширилган таъмирлаш ҳаражатлари ҳисобга олинса, унинг кредитида эса таъмирлаш ишларининг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқаришда 2300 счёtnинг дебетидаги қолдик тугалланмаган таъмирлаш ҳаражатларининг миқдорини кўrsатади.

Бу ерда таъмирлаш ҳаражатлари қилинганда улар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қўйидагича акс эттирилади: Дт 2300 Кт 6710, 9820, 1000, 1200, ва бошқалар.

Тугалланмаган таъмирлаш ҳаражатлари бухгалтерия балансида “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” моддасида кўrsатилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш жараёнида материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, эҳтиёт кисмлар ва бошқалар олиниши мумкин. Улар комиссия аъзолари томонидан баҳоланиб, кирим килинади ва бухгалтерия счётларида қуидагича акс эттирилади Дт 1000, 1200. Кт 2300.

Капитал таъмирлаш пудрат усулида амалга оширилганда корхона пудратчи билан шартнома тузади.

Таъмирлаш тугагандан кейин маҳсус комиссия уни қабул қилишни топшириш актига асосан қабул қилиб олади.

Тугалланиб топширилган таъмирлаш ишларининг қиймати таъмирлаш фонди ҳисобидан қопланади ва бухгалтерия счётларида қуидагича акс эттирилади.

Дт 8900 (келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлари Кт 6010 (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар).

Таъмирлаш ҳаражатлари пудрат усулида амалга оширилганда улар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олувчи счёtlарда акс эттириш мумкин.

Пудратчи ташкилотларнинг таъмирлаш ҳаражатларини тўлаш тўғрисидаги счёtlари 5110 “Ҳисоб-китоб” счёти ва бошқа счёtlардан тўланиши мумкин ва улар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қуидагича акс эттирилади. Дт 6010 Кт 5110.

Ҳисобот йили тугагандан сўнг асосий воситаларни таъмирлашнинг ҳақиқий ҳаражатлари суммада ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олувчи счёtlарга ёзилиши зарур. Чунки 8900 счёtnинг субсчёти бўйича қолдиқ қолиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам “Таъмирлаш фонд”нинг суммаси таъмирлашнинг ҳақиқий ҳаражатлари суммасига корректировка қилиниши зарур. Агар таъмирлаш фонди етарли бўлмаса кўшимча ажратма қилиниши мумкин ёки ушбу сумма тўғридан-тўғри 2300 счёtnинг кредити бўйича ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобга олувчи счёtlарнинг дебетига олиб борилади.

Ноишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситалар таъмирланганда уларнинг ҳаражатлари корхонанинг соф фойдасидан қопланади ва бухгалтерия

хисоби счёларида қуидагича акс эттирилади. Дт 8700 Кт 1000, 6710, 9820, 6010, 6310 ва бошқалар.

Ижарага олинган асосий воситалар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ижара муносабатлари тузилишига қараб жорий ва узоқ муддатли ижарага бўлинади. Жорий ижарада ижарага берувчи ўз мулкини маълум муддатга ижарачига беради ва мулк шартнома муддати тутагандан сўнг ижарага берувчига қайтарилади. Жорий ижарада ижарага берувчи мулк эгалиги ҳукуки ва мажбуриятларини сақлаб қолади ва ижарачига фақат мулқдан фойдаланиш ҳукуки ўтади.

Узоқ муддатли ижарада ижарачи ижарага олинган объектни белгиланган муддатда олиш кўзда тутилади. Узоқ муддатли ижарада ижарага олинган асосий воситалар ижарачининг балансида акс эттирилади.

Жорий ижарада ижарага берилган асосий воситалар ижарага берувчининг балансида ҳисобга олинади. Ижарага бериш шартномага асосан асосий воситаларни ижарачига топшириш амалга оширилади ва қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан расмийлаштирилади.

Ижара шартномасида ижарага берилаётган мулкнинг таркиби, қиймати, ижара муддати, томонларнинг мажбуриятлари, ижара хақи ва бошқа зарур бўлган шартлар кўрсатилиши зарур. Ижара хақи асосий воситаларнинг эскириш микдори ва таъмирлаш ҳаражатлари ва маълум микдорда фойдадан иборат бўлади.

Ижарага берилган асосий воситалар бўйича молиявий натижалар аниқланганда, келгуси даврлар даромадлари ва ҳаражатлари счётида акс эттирилади.

Ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ижарачининг фойда микдорини камайтиради ва қуидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади. Дт 8700 Кт 0200.

Жорий давр учун ижара хақи ҳисобланганда 9424 (ижарадаги асосий воситалар учун ҳаражатлар) счёт дебетланади ва 8700 счёт кредитланади.

Келгуси даврлар учун бўнак (аванс) тариқасида ҳисобланган ижара 6310, 7310 счёtlар дебети ва 8900 счёtnинг кредити бўйича акс эттирилади. Ижара тўловлари келиб тушганда 5100 ва 5200 счёtlар дебетланади ва 6310 счёт кредитланади. Аванс тариқасида тўланган ижара хақини жорий тўлов сифатида қабул қилинганда 8900 счёт дебетланади ва 6310, 7310 счёtlар кредитланади.

Ижарачи томонидан ижарага олинган асосий воситаларга сарфланган капитал қўйилмалар ҳажмига ижарачи олган асосий воситалар миқдори оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувларида кўrsатилади. Дт 0100 Кт 0800.

Ижарачида ижарага олинган асосий воситаларни балансдан ташқари 001 счётида дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олинади. Ижарага олинган асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби объектлар ва ижарага берувчилар бўйича юритилади.

Ижарачи томонидан ижарага берувчига ҳисобланган ижара хақига ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларини ҳисобга оловчи счёtlар дебетланади ва 6310, 7310 счёtlар кредитланади. Ижарачи тўлаган ижара хақи миқдорига 6310, 7310 счёtlар дебетланади ва 5100 счёт кредитланади.

## **6. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш**

Асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетишига доир ҳисоб жараёнлари 9310 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва уларнинг бошқача чиқим қилинишидан кўрилган фойда” деб номланувчи транзит счёtdа амалга оширилади. Ушбу счёtnинг дебетида чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлик ҳаражатлар, асосий воситаларга тегишли қўшимча қиймат солиғи акс эттирилади. Бу счёtlарнинг кредити бўйича эса чиқиб кетаётган асосий воситаларга тегишли эскириш миқдори, асосий воситаларни сотишдан тушган тушум, асосий воситалар тугатишдан олинган материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларнинг асосий воситаларни тугатиш комиссияси томонидан ўрнатилган баҳода ҳисобга олиш бўйича қиймати ёзилади.

Асосий воситалар сотилганда уларни сотиш баҳолари 9210 “Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқими” счётининг дебетида ёзилади. Бир вақтнинг ўзида асосий воситаларнинг даслабки қиймати 0100 счёtnинг кредитидан ҳисобдан ўчирилади. Эскириш микдори эса 0200 счёт дебети ва 9310 счёт кредитига ёзилади. Асосий воситаларни сотиш бўйича ҳисобланган қўшимча қиймат солиғига 9310 счёт дебети ва 9800 счёт кредитланади. Асосий воситаларни сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларга 9310 счёт дебетланади ва куйидаги счёtlар кредитланади: 1000, 1200, 2000, 2300, 6710, ва бошқалар.

Асосий воситалар бепул берилганда уларнинг дастлабки қиймати 9430 счёtnинг дебети ва 0100 счёtnинг кредитида акс эттирилади. Эскириш микдори эса 0200 счёtnинг дебетида ва 9430 счёtnинг кредитига ёзилади. Бепул берилаётган асосий воситаларни ортиш, тахлаш, тушириш ва бошқа ҳаражатлар 9430 счёtnинг дебети ва тегишли счёtnинг кредитига ёзилади. Бепул берилган асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасида аниқланган зарар микдорига 8700 счёт дебетланади ва 9430 счёт кредитланади. Айрим ҳолларда бепул берилган асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетишидан фойда олиниши мумкин. Бундай ҳолларда юқоридаги бухгалтерия ёзуви аксинча бўлади яъни дебет 9430 ва кредит 8700.

Бошқа корхоналарнинг устав капиталига ҳисса тариқасида берилган асосий воситалар томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланган қийматда 9430 счёт дебетланади ва 0100 счёт кредитланади. Бунда, асосий воситаларнинг дастлабки қийматига 9430 счёtnинг дебети ва 0100 счёtnинг кредитида акс эттирилади. Берилаётган асосий воситаларнинг эскириш микдорига 0200 счёtnинг дебети ва 9430 счёtnинг кредити бўйича расмийлаштирилади. Асосий воситаларни бошқа корхоналарга бериш билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар 9431 счёtnинг дебети ва тегишли счёtlар кредитланади. (1000, 1200, 1300, 2300, 6710 ва х.к.)

Ҳисобот даври тугагандан сўнг 9310 счёtnинг ҳар бир обьекти бўйича дебет ва кредит оборотларининг фарқлари аниқланади. Олинган фойда (зарар) яъни кредит обороти дебет оборотидан қўп бўлса фарқ микдори 9310 счёtnинг

дебети ва 8700 счёtnинг кредитига ва аксинча 8700 счёtnинг дебети ва 9310 счёtnинг кредитига ёзилади.

Бепул берилган асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасида содир бўлган молиявий натижаларининг сётларда кандай акс эттирилиши юқорида кўриб ўтилган тартибда амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган илгари ҳисобга олинган асосий воситалар 0100 счёtnинг дебети ва 8700 счёtnинг кредити бўйича ёзиб борилади ва ортиқча ва камомадлар сабаблари ва айбдорлар аниқланади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда давлат томонидан тўла тиклаш учун ўрнатилган амортизация меъёрлари асосида аниқланади.

## **7. Асосий воситаларнинг инвентаризацияси**

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўриқномасига кўра ҳар бир йилда бир маротоба ўтказилади. Қуйидаги ҳолларда инвентаризация муддатидан илгари ўтказилиши мумкин:

- моддий жавобгар шахслар алмашганда;
- ўғирлик ёки бошқа ўзлаштиришлар содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар берилганда;
- табиий оғатлар содир бўлганда, авария ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда;
- корхона тугатилишида ёки қайта ташкил бўлаётганда;
- корхона асосий воситаларининг бир қисми сотилаётганда ёки ижарага берилаётганда ва х.к.

Асосий воситаларнинг инвентаризацияси корхона раҳбарининг буйруғига кўра ташкил қилинган ишчи комиссияси томонидан амалга оширилади ва унда албатта бухгалтерия ходимларидан вакиллар бўлиши шарт.

Инвентаризацияни ўтказиш ишчи комиссияси аъзолари моддий жавобгар шахс иштирокида объектларни кўради ва уларни натура

кўрсаткичидаги инвентаризация ёзувида қайд этади. Инвентаризацияни комиссия аъзолари тўла бўлмаган ҳолатда ўтказиш мумкин эмас.

Инвентаризация натижасида илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар аниқланган ҳолда ҳам руйхатга олинади ва уларни комиссия аъзолари экспертиза йўли билан баҳолайди ва ҳақиқий техник ҳолатига кўра эскириш миқдори аниқланади ва далолатнома асосида расмийлаштирилади. Шу билан биргаликда комиссия ушбу асосий восита қачон кимнинг фармойишига биноан ишлатилгани, уларнинг ҳаражатлари ҳисобда қандай акс эттирилганлиги борасида далолатномада маълумотлар келтирилади.

Агар инвентаризация жараёнида асосий воситаларнинг камомади ёки ортиқчалиги аниқланса, комиссия масъул шахслардан бунинг сабабларини тушунтиришни талаб қилиш зарур. Чунки бу маълумотлар инвентаризация ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таққослаш натижасида аниқланган фарқларнинг сабабларини ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар аниқланганда улар қолдиқ қиймати бўйича киримга олинади Дт 0100 Кт 9710 ва эскириш миқдорига Дт 9430 Кт 0200.

Ўзига тегишли асосий воситаларни инвентаризация қилиш билан бир вақтда ижарага олинган асосий воситалар ҳам текширилади.

Ижарага олинган асосий воситалар обьектлари бўйича инвентаризация рўйхати алоҳида, ҳар бир ижарага берувчи бўйича алоҳида тузилади. Унда умумий маълумотлардан ташқари ҳар бир ижарага берувчи ва ижара муддати кўрсатилади. Инвентаризация рўйхатининг бир нусхаси ижарага берувчига жўнатилади.

### **Хуносаси.**

Асосий воситалар деб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида фойдаланадиган, шунингдек узоқ муддатли ижарага бериладиган ва узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) хизмат қиласидиган воситаларга айтилади.

Асосий воситаларнинг инвентаризацияси корхона раҳбарининг буйруғига кўра ташкил қилинган ишчи комиссияси томонидан амалга оширилади ва унда албатта бухгалтерия ходимларидан вакиллар бўлиши шарт.

Инвентаризацияни ўтказиш ишчи комиссияси аъзолари моддий жавобгар шахс иштирокида объектларни кўради ва уларни натура кўрсаткичидаги инвентаризация ёзувидаги қайд этади. Инвентаризацияни комиссия аъзолари тўла бўлмаган ҳолатда ўтказиш мумкин эмас.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш бўйича савол ва топшириқлар**

- 1 Асосий воситаларнинг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари.
- 2 Асосий воситаларнинг баҳоланиши ва уларнинг аналитик ҳисоби.
- 3 Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби: уларнинг корхонага келиб тушиш манбалари ва чиқиб кетиш йўналишлари.
- 4 Асосий воситаларга эскириш суммаларини ҳисоблаш тартиби ва ҳисобини ташкил қилиш.
- 5 Асосий воситалар инвентаризациясини ўтказиш тартиби ва натижаларни ҳисобда акс эттириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик.-Т.: “Чўлпон”, 2011.- 200 б.
4. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2004. – 592 б.

**2.2. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўқитишида амалий топшириқлар ва ишланмалардан самарали фойдаланиш масалалари**

**Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш (В.Беспалко бўйича)**

Тест мақсади	Тестлар тоифаси ва турлари	Хусусиятлари	Жавоблар	Тест топшириқларини ифодалаш намуналари
Ўқувчилар аввал ўрганган материални танишини текшириш (ўзлаштиришнинг I даражаси)	Таниб олишликка оид топшириқлар	Бир вақтнинг ўзида (айтиб бериш учун) топшириқ ва жавобдан иборат бўлади	“Ҳа” “Йўқ”	... ҳисобланадими?
	Ажратиб олишликка оид топшириқлар	Савол ҳамда танлаш учун жавоб вариатнларидан иборат бўлади	1. 2. 3. 4.	... шулардан қайси бири... тўғрилигини кўрсатинг
	Таснифлашликка оид топшириқ	Мос қисмларини таққослаш топширикларидан иборат бўлади	1-(г) 2-(б) 3-(в) 4-(а)	Мосликларни кўрсатинг (уларнинг тушунчаси ва белгиланиши)
Ташки айтиб беришларсиз эсда қолганлар бўйича ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва шулар асосида намунавий топшириқлар ечиш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг II даражаси)	Қўшимчалар кўйиладиган тестлар	Хоҳлаган шаклда: оғзаки, белгили, чизмаларда тақдим этилган фикрларни тўлдириш талаб этилади	Йўқ	... (формулани) тўлдиринг, (етишмаётган элементни)... кўрсатинг
	Тузилишиликка (конструкторлик)ка оид тестлар	Эсда қолганларни айтиб беришларсиз қайта тақрор тикилашни талаб этади	Йўқ	Бу “(тушунча/ифодалаш кўрсатилади) нима?”... Чизма чизинг... учун формуласини ёзинг
	Намунавий топшириқлар	Маълум бўлган қоидаларни қайта тикилаш ва уни изланаштган натижа учун қўллаш талаб этилади	1. 2. 3. 4.	Намунавий топшириқлар

Ижодий фикрлаш күнімаларини текшириш <b>(ўзлаштиришнинг ІІІ дарајаси)</b>	Ноодатий топшириқлар	Намунавий тартиб остидаги топшириқларни охирига етказища, қўшимча маълумотларни қидириш учун, дастлабки шароитларни ўзгартириш талаф этади	1. 2. 3. 4.	<b>Нооддий топшириқлар</b>
--	-------------------------	---	----------------------	--------------------------------

## **2.2.1-жадвал**

## **“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусини ўзлаштиришда даражали тестлардан фойдаланиш намунаси**

№	Мақсад	Натижә	Тестлар
<b>I. Ўқувчиликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиши)</b>			
Таниб олишликка оид топшириқ			
1.1		Асосий воситалар тўғрисида умумий тушунчалар шакллантириш	Бино асосий воситалар кирадими? 1. Xa 2. Йўқ
1.2	Асосий воситалар тўғрисида умумий тушунчаларни шакллантириш	Асосий воситалар турлари ҳақида тушунчаларга эга бўлади	Қайси жавобда асосий воситалар тўғри кўрсатилган? 1. Эҳтиёт қисмлар 2. Гудвил 3. Мебел ва офис жиҳозлари 4. Курилиш материаллари
1.3		Асосий воситалар турларини ажратади.	Асосий воситалар баланснинг қайси бўлимида акс эттирилади? 1. Узоқ муддатли активлар A) 1 2. Жорий активлар B) 2,3 3. Пул маблағлари C) 1,3,4 4. Мажбуриятлар D) 1,2,4,5 5. Ўз маблағлари манбалари
<b>II. Тартиблиликка оид (алгоритм) (намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш)</b>			
Кўшимчалар қўйиладиган тестлар			

2.1		Асосий воситаларни баҳолай олади.	<p>Аққ = Абқ - <u>X</u></p> <p>Асосий воситаларни қолдик қиймати қандай аниқланади, X ни аниқланг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. А/В жорий қиймати</li> <li>2. А/В эскириш қиймати</li> <li>3. А/В дастлабки қиймати</li> <li>4. А/В қолдик қиймати</li> </ol>
2.2		Асосий воситаларни баҳолаш, уларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.	<p>Асосий воситаларга эскириш ҳисоблай олади.</p> <p>Куйидагиларни қайси бирига эскириш ҳисобланмайди?</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бинога</li> <li>2. Транспорт воситаларига</li> <li>3. Ерга</li> <li>4. Материалларга</li> </ol>
2.3		Асосий воситаларни қайта баҳолай олади.	<p>Асосий воситаларни қайта баҳолаш қачон амалга оширилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ҳисбот йилидан кейин 1-февралгача</li> <li>2. Ҳисбот йилидан кейин 1-мартгача</li> <li>3. Ҳисбот йилидан кейин 1-январгача</li> <li>4. Ҳисбот йилидан кейин 1-апрелгача</li> </ol>

### III. Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик) (харакатларни танлаш)

3.	Асосий воситалар ҳисобини эркин юрита олади.	<p>Асосий воситаларга изоҳ беради.</p> <p>Асосий воситалар ҳаракатини счётларда акс эттиради.</p> <p>Асосий воситалар бўйича ҳисботларни шакллантиради.</p>	<p>1. Эскириши тўлиқ ҳисобланган дастгоҳ 45 500 мингсўм бошланғич қиймати бўйича бошқа корхонага берилди.</p> <p>Асосий воситаларни қолдик қиймати бўйича берилишида ҚҚС солиш обьекти мавжуд бўлмайди. Бухгалтерия ҳисобида берилган операция бўйича бухгалтерия ёзувларини беринг.</p> <p><i>Топшириқларни бажарии учун материаллар.</i></p> <p>1. Дастгоҳнинг бошланғич қиймати 45 500 мингсўм</p>
----	--	---	---

<b>IV. Ижодкорликка оид (харакатларни излаш)</b>		
4.	<p>Асосий воситалар хисоби бўйича муаммони мустақил ажратиш ва ечиш.</p>	<p>Асосий воситалар бўйича -муаммони мустақил ажратади -берилган муаммоли вазият бўйича меъёрий- хукуқий хужжатлар асосида муаммони ечади - ушбу вазият бўйича фикрларини айтади.</p> <p>Сотиб олинган асосий воситаларни бошланғич қийматини ўзгартириб бўладими?</p>

## **“КЛАСТЕР” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ**

(Кластер-тутам, боғлам) - ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йифиши.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзуу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.


### **Кластерни тузиш қоидаси**

1. Ёзув тахтаси ёки катта қофоз варагининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзуу номи ёзилади.
2. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзуу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади.
3. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин.

4. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки гоялар тугагунича давом этиши мүмкін.

### 2.2.1-чизма

#### “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид кластер намунаси



## “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” чизмаси

### 2.2.2-чизма


“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Венн диаграммаси” намунаси



## ҚАНДАЙ? ИЕРАРХИК ЧИЗМАСИ

### 2.2.3-чизма

“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Қандай?” иерархик чизма намунаси




## **БАЛИҚ СКЛЕТИ чизмаси**

“Балиқ склети” чизмаси бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. “Балиқ склети” чизмаси ўқувчиларда тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради

### **2.2.4-чизма**

#### **“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Балиқ склети” чизмаси намунаси**



## **“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси**

“Нилуфар гули” ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қиласи. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. “Нилуфар гули” чизмаси ўқувчиларда тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради.

## 2.2.5-чизма

### “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Нилуфар гули” чизмаси намунаси

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида фаол фойдаланилади, инвестиция сифатида сакланмаслиги, ва сотиш учун олинмаслиги лозим	Бухгалтерия ҳисобининг миллӣ стандартларига асосан	БҲМС 5га асосан	Тўғри чизикли	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бир маромда ўтказиш	Йиллар давомида
	<i>Асосий воситалар қўйидаги талабларга жавоб беради</i>		Йиллар йигиндиси кумулятив усул	<i>Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг усули</i>	
<b>Бошланғич қиймат</b>	<b>Асосий воситаларни яратиш</b>	<b>Сотиб олилиш</b>	<b>Асосий воситалар қўйидаги талабларга жавоб беради</b>	<b>Асосий воситаларни қайта баҳолаш усули</b>	<b>Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш</b>
	<i>Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усули</i>		<i>Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усули</i>	<b>Асосий воситалар</b>	

### “НИМА УЧУН? чизмаси


“Нима учун” чизмаси - муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжирини ҳосил қиласди. “Нима учун” чизмаси ўқувчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

#### “Нима учун?” чизмасини тузиш қоидаси

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишини ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизикли ёки тўғри чизикли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидиувларингизни, яъни дастлабки ҳолатдан изланишгacha бўлган йўналишингизни белгилайди.

## 2.2.6-чизма

### “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Нима учун?” чизмаси намунаси



### “БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ) ЖАДВАЛИ

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради.

#### 2.2.1-жадвал

#### “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “БББ” жадвали намунаси

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Асосий воситалар ҳисоби	Асосий воситаларнинг гурухланиши	Асосий воситаларнинг гурухланиши
	Асосий воситаларни баҳолаш усулларини	Асосий воситаларни баҳолаш усулларини
	Асосий воситаларни қайта баҳолаш усулларини	Асосий воситаларни қайта баҳолаш усулларини
	Асосий воситаларни хужжатлаштиришни	Асосий воситаларни хужжатлаштиришни

## **ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ**

Тоифа - хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

### **Тоифалаш жадвалини тузиш қоидаси**

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гурухда тоифаларга ажратиш бошқа гурухда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас. Бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

### **2.2.2-жадвал**

#### **“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Тоифалаш” жадвали намунаси**

Асосий воситалар ҳисоби		
Асосий воситаларнинг келиб тушиши	Асосий воситаларни баҳолаш	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари
1. Асосий воситалар қўйидагилар натижасида корхона балансига киритилади: <ul style="list-style-type: none"><li>■ ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;</li><li>■ олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;</li><li>■ устав капиталига муассислар (иштирокчилар)нинг улуши</li></ul>	1. Дастлабки қиймат 2. Сотиш қиймати 3. Тугатиш қиймати 4. Ўрнини қоплаш қиймати 5. Колдик қиймати	1. Тўғри чизиқли усул 2. Камайиб борувчи қолдиқ усули 3. Бажарилган иш ҳажми бўйича ҳисоблаб ёзиш усули 4. Кумулятив усул

<p>кўринишида келиб тушиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>■ текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);</li> <li>■ давлат субсидиялари хисобига олиш;</li> <li>■ айирбошлаш;</li> <li>■ ортиқча (хисобга олинмаган)</li> </ul> <p>Асосий воситалар объектларини аниqlаш ва бошқа асосларга кўра.</p>		
--	--	--

## КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Ўкувчиларда тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

### 2.2.3-жадвал

#### “Асосий воситалар хисоби” мавзусига оид “Концептуал жадвал” намунаси

Асосий воситалар	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар		
	Амортизация	Баҳоланиши	Кирим қилиниши
Асосий воситалар	Хисобланади	Тўғри чизиқли усул	Дт 0820 Кт 6010
Материаллар	Хисобланмайди	Фифо усул	Дт 1010 Кт 6010

## Т – ЖАДВАЛ

Т – жадвал - битта категориянинг икки жиҳатини таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Бу усул ўкувчиларда танқидий мушоҳада ривожлантиради

## **Т-жадвални тузиш қоидаси**

1. Тадқиқ қилинадиган категориянинг номини шакллантиринг ва уни икки устунли жадвалга ёзинг.
2. Жадвалнинг чап устунига категориянинг барча ижобий характеристикаларини ёзиб чиқинг.
3. Жадвалнинг ўнг устунига категориянинг ҳамма салбий характеристикаларини ёзиб чиқинг.
4. Якуний хulosани шакллантиринг.

### **2.2.4-жадвал**

**“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “Т-жадвал” намунаси**


### **Асосий воситалар ҳисоби**

<i>Aфзалликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>
Корхонанинг узоқ муддатли активи ҳисобланади	Сотиб олинган асосий воситани қўшимча баҳолаш мумкин эмас
Асосий воситалардан жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиш имкони мавжуд	Уни барча жисмоний ва юридик шахслар яратиш имконига эга эмас
Ер, сув, ер ости бойликлари, кутубхона фондлари, архитектура ёдгорликларига амартизация ҳисобланмаслиги	Корхона асосий воситаларнинг баланс қийматини бозор қийматигача кўпайтирмайди
Асосий воситаларни ҳизмат муддати тугагандан кейин ҳам қолдиқ қийматда сотиш мумкинлиги	Асосий воситани бозор қийматига қадар фақат кейинги қайта баҳолаш ўтказиладиган йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра қўшимча баҳолаш мумкин

## **“SWOT-ТАХЛИЛ” СТРАТЕГИЯСИ**

**2.2.5-жадвал**

**“Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига оид “SWOT-ТАХЛИЛ” стратегияси  
намунаси**



**2.3. “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуни ўқитишида кейс-стади таълим технологиясидан фойдаланиш имкониятлари**

**Ўқув машғулотининг технологик картаси**

Иш босқич-лари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
Тайёрлов босқичи	<p>Мавзуни аниқлайди.</p> <p>Кейс стадини ишлаб чиқади: ҳолатнинг мазмунини аниқлайди, ахборот таъминотини тайёрлайди, кейс стадини шакллантиради.</p> <p>Мустақил тайёргарликни бошлашни, тавсия қилинган адабиётларни тақоролашни ва ўрганишни тавсия этади.</p>	<p>Кейс-стади билан танишадилар.</p> <p>Тавсия қилинган адабиётларни ўрганадилар.</p> <p>Мустақил тайёргарликни бошлайдилар</p>
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақ.)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини ҳамда олиб борилиш режасини маълум қиласди</p> <p>1.2. Кейс-стадининг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини аниқлайди.</p> <p>1.3. Ўқувчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.4. Блиц-сўров усулида ўқувчилар билимлари жонлантирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Асосий воситаларни тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларни санаб беринг?</li> <li>-Активларни асосий воситаларга киритишнинг мезонларини санаб беринг?</li> <li>-Асосий воситаларнинг бошланғич баҳоси деганда нимани тушунасиз?</li> <li>-Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини санаб беринг?</li> <li>-Асосий воситаларга нисбатан танланган эскириш ҳисоблаш усулларини солиқقا тортиладиган базага таъсирини айтинг?</li> <li>-Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш қайси счет орқали амалга оширилади?</li> <li>-Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган молиявий натижа солиқка тортиладиган базага таъсирини айтинг?</li> </ul>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Мавзу номини ва унинг режасини ёзиб оладилар.</p> <p>Танишадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>

2-босқич. Асосий қисм (60 дақ.)	<p>2.1. Кейсда келтирилган топшириқларни мұхокамасини ташкил қылади. Кейс билан ишлаш қоидаларини яна бир бор эслатади. Муаммо, вазифаларни ва уларни ҳал қилиш алгоритmiga әзтиборларини қаратади</p> <p>2.2. Үқувчиларни 5 та кичик гурұхларға бүләди.</p> <p>2.3. Кейс билан мустақил ишлаш натижаларини кичик гурұхларда мұхокамасини ташкил қылади.</p> <p>2.4. Таҳлил варагини ёзма равища тайёрлашни тавсия қылади.</p> <p>2.5. Натижаларни тақдимот учун тайёрлашни айтади.</p> <p>2.6. Тақдимот бошланишини эълон қылади. Кейсни ҳал қилиш ишлари натижалари бўйича гурӯхлардан вакилларини тақдимотга чақиради. Тақдимот давомида гурӯх вакилларига аниқлаштируvчи саволлар бериб боради.</p> <p>2.7. Топшириқлар ечимини гурӯхлараро баҳоланишини ташкил қылади.</p> <p>2.8. Ҳар бир гурӯхнинг иш натижаларини умумлаштириләди ва хulosалар бериләди ва ўзаро баҳоланади.</p>	<p>Топшириқларни мұхокама қыладилар, ҳолатни мустақил таҳлил қыладилар.</p> <p>5 та кичик гурұхларға бўлинадилар.</p> <p>Гурӯхларда ишлайдилар.</p> <p>Гурӯхларда биргаликдаги таҳлилий ишларни бажарадилар.</p> <p>Натижаларни тақдимот учун тайёрлайдилар</p>
3-босқич. Яқунловчи қисм (15 дақ.)	<p>3.1. Яқунловчи хulosалар қылади.</p> <p>3.2. Ҳар бир иштирокчининг ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва аниқ бажаргани, маъruzанинг мазмуни, берилган жавоблар ҳисобга олинади.</p> <p>3.3. Ечимларни изоҳлайди.</p> <p>3.4. Яна бир бор кейснинг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини билдиради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Ўз фикрларини билдирадилар.</p>

## “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси бўйича кейс-стади таълим технологияси

<b>Мавзу</b>	<b>Асосий воситалар ҳисоби</b>
<b>Вақт: 2 соат</b>	<b>Үқувчилар сони: 20-25 та.</b>
<b>Машғулот шакли</b>	<b>Вазиятли ҳолатнинг ечимини аниқлаш бўйича амалий машғулот (кейс-стади).</b>
<b>Машғулот режаси</b>	1. Мавзу мазмунига кириш. Куйидаги саволлар мұхокамаси:

	<ul style="list-style-type: none"> <li>-асосий воситалар түғрисида тушунча;</li> <li>-асосий воситаларни туркумлаш;</li> <li>-асосий воситаларнинг бошланғич қийматини түгри шакллантириш;</li> <li>-асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари;</li> <li>-асосий воситаларни қайта баҳолаш усуллари ва тартиби;</li> <li>-асосий воситалар ҳисобдан чиқариш ва молиявий натижаларни түғри аниқлаш;</li> <li>-корхонани молиявий-хўжалик фаолиятига баҳо бериш.</li> </ul> <p>2.Кейс билан индивидуал танишиш.</p> <p>3.Кейсни кичик гурухларда ечиш, натижалар асосида тақдимот қилиш.</p> <p>3.Гурухларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p>
--	---

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш, туркумларга ажратиш, асосий воситаларни ҳисобга олиш, баҳолаш, эскириш ҳисоблаш, ҳисобдан чиқаришга доир фикрларни шакллантиришни ўргатиш

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> <li>-Асосий воситалар ҳисобининг мақсади, вазифалари ва манбалари билан таништиради.</li> <li>-Асосий воситаларни ҳисобга олишни ўргатади</li> <li>-Асосий воситаларнинг бутлиги, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш даражасини текширишни тушунтиради</li> <li>-Асосий воситаларга эскириш түғри ҳисобланганлигини текширишни ўргатади</li> <li>-Асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишини текширишни тушунтиради</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Асосий воситалар ҳисобининг мақсади, вазифалари ва манбаларини санаб берадилар</li> <li>-Асосий воситалар ҳисобининг режаси ва дастурини тузадилар</li> <li>-Асосий воситаларнинг бутлиги, сақлаш ва самарали фойдаланишни текшириш кетма-кетлигини очиб берадилар</li> <li>-Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари айтади ва ҳисоблаб беради</li> <li>-Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини санаб берадилар</li> </ul>
<i>Ўқитии усуллари</i>	Кейс-стади услуги савол-жавоб, муаммоларни ечиш
<i>Ўқитии шакллари</i>	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гурухларда ишлаш
<i>Ўқитии воситалари</i>	Маъruzalар матни, ўқув дафтарлари, намойиш материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), проектор, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар,

	жадваллар)
Үқитиши шароити	Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаши	мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди

## КЕЙС- СТАДИ

### “Гавҳар” масъулияти чекланган жамият мисолида “Асосий воситалар” ҳисоби

#### ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**1. Фаннинг номи:** “Бухгалтерия ҳисоби” .

**Мавзунинг номи:** “Асосий воситалар ҳисоби” мавзусига мосланган кейс.

**2. Берилган кейснинг мақсади:** Асосий воситалар ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоби хужжатларида ҳамда ҳисоботларда тўғри шакллантирилганлигини текшириш;

**3. Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** асосий воситаларнинг бошланғич қийматини тўғри шакллантиради, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари ва уларнинг аниқлигини текширади, асосий воситаларни қайта баҳолай олади. Кейсни муқаффақиятли ечиш учун ўқувчилар **қуидаги натижаларга** эришишлари лозим: асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш усулларини фарқлаш ва улар тўғри қўлланилганлигини текшириш, асосий воситаларга ҳисоб сиёсати ва солиқ кодексига биноан эскириш ҳисоблаш усуллари ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва уларни солиққа тортиладиган базага таъсири ўрганиш, асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишини ўрганиш, молиявий натижаларни шакллантириш ҳамда солиққа тортиш базасига тўғри олиб борилганлигини текшириш;

**3. Кейсни муваффақиятли бажариш учун ўқувчи қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:** асосий воситаларни тартибга солиб турувчи меъёрий хужжатларни билиши, активларни асосий воситаларга киритишнинг мезонларини санаб бериши, асосий воситаларнинг бошланғич баҳоси, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини фарқлаши, асосий воситаларга нисбатан танланган эскириш ҳисоблаш усулларини солиққа тортиладиган базага таъсирини кўрсатиши, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган молиявий натижа солиққа тортиладиган базага таъсирини билиши.

- 3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилмаган ва “Гавҳар” масъулияти чекланган жамият ўйлаб топилган корхона ҳисобланади.**
- 4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қуидагилардан иборат: ўйлаб топилган “Гавҳар” масъулияти чекланган жамият 2013 йил 1 январь ҳолатидаги асосий воситалар тўғрисидаги ҳисбот, асосий воситалар фойдаланишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва статистик ахборотлар.**
- 5. Мазкур кейс хона тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат корхонанинг таҳлилий қўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: “Гавҳар” масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий, кичик ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.
- 6. Дидақтиқ мақсадларга кўра ўқув (тренингли) кейс – асосий воситаларни тўғри қабул қилиш, уларга эскириш ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқаришни ўргатиш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган.**
- 7. Ушбу кейсдан “Бухгалтерия ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб” ва “Молиявий ва бошқарув ҳисоб” фанларининг амалий машғулотларида фойдаланиш мумкин.**

## МУНДАРИЖА

I.	Кейс.....	4
	Кириш.....	4
	Вазият.....	5
	Кейсни бажариш учун саволлар.....	5
II.	Ўқувчилар учун услубий қўрсатмалар.....	11
III.	Кейсологнинг жавоб варианти.....	13
IV.	Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни (кейсларни) ечиш бўйича ўқитиши технологияси.....	18

## I. КЕЙС

### Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг активларнинг асосий қисмини узоқ муддатли актив – асосий воситалар ташкил қиласди. Асосий воситаларни ҳисобда тўғри кирим қилиниши, улар бўйича эскириш тўғри ҳисобланганлиги ва уларни харажатларга таксимланганлигини текшириш, ремонт ҳамда асосий воситаларнинг қийматини оширадиган харажатларнинг капитализация харажатларини текшириш, уларни ҳисобдан чиқарилиши каби масалаларни текшириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсирини ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоби шаклланаётган эркин иқтисодиёт шароитида нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга моликдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситаларни ҳисобини тўғри юритиша корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойдани ошириша мавжуд бўлган ички хўжалик имкониятларини ахтариб топиш орқали уларнинг молиявий аҳволи барқарорлигини таъминлашга имкон бўлади.

Кейсда масаланинг ечими орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- асосий воситаларнинг бошланғич қиймати тўғри шаклланганлигини текшира олади;
- асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш усулларини ажратади ва улар тўғри қўлланилганлигини текшира олади;
- асосий воситаларга ҳисоб сиёсати ва солиқ кодексига биноан эскириш ҳисоблаш усуллари ўртасидаги фарқларни аниқлайди ва уларни солиққа тортиладиган базага кирита олади;
- асосий воситалар ҳисобдан чиқара олади, молиявий натижаларни шакллантиради ҳамда солиққа тортиш базасига тўғри олиб борилганлигини текшира олади.

### Вазият

“Гавҳар” масъулияти чекланган жамиятда мавжуд бўлган асосий воситаларига ҳисоб сиёсатига биноан 2013 йилда эскириш ҳисобланган, янги қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати тўғри шаклланганлигини текшириш, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш

натижасида молиявий натижа тўғри аниқланганлигини, “Асосий воситалар ҳаракати” тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ҳисобланади.

Корхона бош бухгалтери аудиторга ушбу ҳисоб-китоблар молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилишни, асосий воситаларга эскиришни ҳисобга олиш қайдномаси ҳамда “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисбот шаклини текшириб беришни топширди (**қаранг 2.3.1-жадвал**).

### **Қўшимча маълумот:**

2013 йилда бухгалтер томонидан асосий воситалар боғлиқ бўлган операцияларга берган бухгалтерия проводкалари.

1) МЧЖ жойлашган биносини 2013 йилнинг 2 январида 10 йил муддатга молиявий ижарага олган бўлиб, бу муддат бинонинг бутун фойдали хизмат муддатига тенгdir. Бинонинг 60% савдо мақсадларида ва 40% маъмурий мақсадларида фойдаланилади. Молиявий ижара шартномаси 1116000 сўм миқдоридаги тўловнинг йилига икки маротаба амалга оширишни кўзда тутади ҳамда тўловлар ҳар йилнинг 10 июлида ўтган биринчи ярим йиллик учун ва ҳар йилнинг 10 январида ҳисбот даврининг иккинчи ярми учун амалга оширилади. Шартномада йиллик фоиз ставкаси 10% ҳажмида кўзда тутилган. Бухгалтер ижара шартномасини тузиш вақтида бинонинг бошланғич қиймати аннуитетнинг жорий қиймати жадвалидан фойдаланиланиш (12,4622) бўйича ҳисобга олган. Ҳисоб сиёсатига мувофиқ компания ижарага олинган бино бўйича тўғри чизиқли усулдан фойдаланилади, кўзда тутилган тугатиш қиймати эса 147815 сўмни ташкил этади. Солик мақсадларида камайиб борувчи қолдик усулидан фойдаланишга рухсат этилган бўлиб, тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати ва тугатиш қиймати бухгалтерия ҳисобидаги баҳоларга тенгdir. 2013 йил биринчи ярим йиллик учун тўловлар жадвалига мувофиқ ҳолда 2013 йил 10 июлида амалга оширилган ва у ҳисботда тўғри акс эттирилган. Ҳисбот даврининг охирига келиб ҳеч қандай ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган.

*Бино қабул қилинганда қуидагича бухгалтерия проводкаси берилган:*

Дт 0120 “Бино” счети 13907815

Кт 5110 “Пул маблағлари” счети 13907815

*2013 йилда эскириши ҳисобланганда*

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 1390782

Кт 0220 “Бинонинг жамғарилган эскириши” счети 1390782

2) МЧЖ 10 май 2010 йилда сотиб олинган Р-4 1-компьютери фойдаланилмаётгандиги туфайли 2013 йил 15 майда ҳисобдан чиқарди. Бошлангич қиймати 850000 сўм, сотиш қиймати 150000 сўм.

*Компьютернинг бошлангич қиймати ҳисобдан чиқарилганда*  
Дт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 850000  
Кт 0150 “Компьютер” счети 850000

*Жамғарилган эскириши суммаси*

Дт 0220 “Компьютернинг жамғарилган эскириши” счети 615399  
Кт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 615399

*Молиявий натижаси суммасига*

Дт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 234601  
Кт 9310 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда” счети 234601

*Сотии баҳосига*

Дт 5110 “Пул маблағлари” счети 150000  
Кт 9310 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда” счети 150000

3) ишлаб чиқариши мақсадида фойдаланилаётган бино бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 2395161  
Кт 0220 “Бинонинг жамғарилган эскириши” счети 2395161

4) дизель-генератор бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 126923  
Кт 0220 “Бинонинг жамғарилган эскириши” счети 126923

5) Комплекс қурилмалар бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счети 692308  
Кт 0230 “Ускунанинг жамғарилган эскириши” счети 692308

6) Компрессор машиналари ва ускуналари бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 1890000  
Кт 0230 “Компрессорнинг жамғарилган эскириши” счети 1890000

7) 1-мебеллар тўплами бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 114286  
Кт 0240 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 114286

8) офис жиҳозлари бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 267857

Кт 0240 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 267857

9) 2-мебеллар тўплами бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 457600

Кт 0240 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 457600

10) 2-Компьютер Р-4 бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 198000

Кт 0250 “Компьютернинг жамғарилган эскириши” счети 198000

11) Ксерокс бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9410 “Сотиш харажатлар” счети 297000

Кт 0250 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 297000

12) Нексия автомобили бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 6400000

Кт 0260 “Автомобилнинг жамғарилган эскириши” счети 6400000

13) Юк автомашина – КАМАЗ 2013 йилда 150000 км масофани босиб ўтган ва ҳисобланган эскириши суммасига

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 8244643

Кт 0230 “Машинанинг жамғарилган эскириши” счети 8244643

### **Кейсни бажариш учун саволлар:**

1. Активлар асосий воситаларга тўғри киритилганлини аниқланг?
2. Асосий воситаларнинг бошланғич баҳоси тўғри шаклланганлигини текширинг?
3. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усусларини тўғри қўлланилганлигини текширинг?
4. Асосий воситаларга нисбатан танланган эскириш ҳисоблаш усусларини солиққа тортиладиган базага таъсири текширинг?
5. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган молиявий натижа солиққа тортиладиган базага таъсирини кўрсатинг?
6. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот тўғри шаклланганлигини текширинг?

**2.3.1-жадвал**

**“Гавхар” масъулияти чекланган жамиятда мавжуд бўлган асосий воситалар 2013 йил 1 январ ҳолатида**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>миқ-дори</b>	<b>фойдаланиш-га қабул қилинган сана</b>	<b>фойдали хизмат қилиши муддати</b>	<b>ишлаб чиқариш бирлик-лари</b>	<b>бошлан-ғич қиймати</b>	<b>туга-тиш қий-мати</b>	<b>эскириш хисоблаш усули</b>	<b>фойдала-ниш мақсади (жойи)</b>
<b>Бино</b>								
Бино - ишлаб чиқариш мақсадларида	1	02.02.2010	30 йил		45000000	-	кумулятив усул	ишлаб чиқариш
<b>Машина ва ускуналар</b>								
дизель-генератор	1	02.02.2010	13 йил		1650000	49500	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
Комплекс қурилмалар	1	02.02.2010	13 йил		9000000	-	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
Компрессор машиналари ва ускуналари	3	02.02.2010	7 йил		13500000	270000	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
<b>Мебел ваофис жихозлари</b>								
1-мебеллар тўплами	1	02.02.2010	7 йил		800000	-	кумулятив усул	маъмурий
офис жихозлари	1	05.05.2011	7 йил		1600000	-	камайиб борувчи қолдиқ	маъмурий
2-мебеллар тўплами	1	16.08.2014	7 йил		1250000	-	кумулятив усул	маъмурий
<b>Компьютер жихозлари ва хисоблаш техникаси</b>								
1-Компьютер Р-4	1	10.05.2010	5 йил	-	850000	-	камайиб борувчи қолдиқ	маъмурий
2-Компьютер Р-4	2	16.12.2012	5 йил	-	1000000	10000	солиқ кодекси бўйича	маъмурий
Ксерокс	1	15.04.2012	5 йил	-	1500000	15000	солиқ кодекси бўйича	маъмурий
<b>Транспорт воситалари</b>								
автомобил Нексия	1	19.08.2011	5 йил	-	16000000	320000	камайиб борувчи қолдиқ	маъмурий
юк автомашина - КАМАЗ	1	02.02.2010	7 йил	1200000 км	60750000	3037500	ишлаб чиқариш усули	Савдо
<b>Бошқа асосий воситалар</b>								
кутубхона фонди		02.02.2010			4000000		солиқ кодекси бўйича	маъмурий

## **II. ЎҚУВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМАЛАР**

### **Муаммо:**

Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини түғри шакллантириш, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари ва ҳисоб-китобларининг аниқлигини текшириш, асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳамда ҳисобдан чиқариш текшириш.

### **Вазифалар:**

- Асосий воситаларни гурухлаштириш ва баҳолашни ўрганиб чиқиш.
- Асосий воситаларга ҳисоб сиёсати ва солик кодексига биноан эскириш ҳисоблаш усулларини ўрганиш ҳамда аниқлаш.
- Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасини харажатларга түғри олиб борилғанлигини текшириш.
- 2013 йил 31 декабр ҳолатида “Асосий воситалар ҳаракати түғрисида”ги ҳисобот түғри шаклланғанлигини текшириш.
- Асосий воситаларга оид турли коэффицентларни ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш, аудиторлик ҳисоботи ва хulosасида асосий воситалар ҳисобига доир фикрни шакллантириш.

### **Ечиш кетма-кетлиги:**

1. Берилған вазиятни ўрганиш ва масалани ечиш учун зарур маълумотларни аниқлаш? Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: нима юз бераяпти?
2. Берилған вазиятни таҳлил қилинг, муаммони ечиш кетма-кетлигидан кўзланган мақсад баён қилинади.
3. Тавсия қилинган жадвалларни берилған маълумотлар асосида тўлдириб, хулоса беришга тайёрланади.
4. Охирги хулосалар берилади.

### **Вазиятни бажариш учун йўриқнома ва ёзма ишнинг баҳолаш мезонлари**

<b>Ҳисоб босқичи номи</b>	<b>Ҳисоб босқичи мазмуни</b>	<b>Ҳисоб натижаси</b>	<b>Ёзма ишни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезони</b>	
1. Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантириш.	Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантириш тартиби баён қилиш		Аниқлик	2 балл
2. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини аниқлаш.	Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини санаб бериш ва ҳисоб-китоб тартибини баён қилиш		Аниқлик	13 балл

3. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва молиявий натижаларни шакллантириш	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби ва молиявий натижаларни шакллантириш кетма-кетлигини кўрсатиб бериш		Аниқлик	3 балл
4. Асосий воситаларга доир аудиторлик ҳисботи	Аудит натижалари асосида асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш.		Асосланганлик, холислик	2 балл

### Гурухларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гурух	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хуносаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл

### III. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

1) Узоқ муддатли ижарага олинган бинонинг бошлиғи қийматини аниқлаш лозим:

$$1116000 * 12,4622 = 13907815 \text{ сўмга}$$

Бино қабул қилинганда қўйидагича бухгалтерия проводкаси берилган:

Дт 0820 “Сотиб олинган асосий восита - бино” счети 13907815

Кт 7910 “Узоқ муддатли ижара бўйича мажбурият” счети 13045566

Кт 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятнинг жорий қисми” счети 862249

Бино қабул қилинганда

Дт 0310 “Узоқ муддатли ижарага олинган асосий восита - бино” счети 13907815

Кт 0820 “Сотиб олинган асосий восита - бино” счети 13907815

2013 йилда эскириши ҳисобланганда

$$(13907815 - 147815 / 10 / 12 * 11) = 1261333 * 60\% = 756800$$

$$1261333 * 40\% = 504533$$

Дт 9410 “Сотиш харажатлар” счети 756800

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 504533

Кт 0299 “Бинонинг жамғарилган эскириши” счети 1261333

2) МЧЖ 10 май 2002 йилда сотиб олинган Р-4 1-компьютери фойдаланилмаётганлиги туфайли 2013 йил 15 майданда ҳисобдан чиқарди. Бошлангич қиймати 850000 сўм, сотиш қиймати 150000 сўм.

*Компьютернинг бошлангич қиймати ҳисобдан чиқарилганда*

Дт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 850000

Кт 0150 “Компьютер” счети 850000

*Жамғарилган эскириши суммаси*

2002й  $(850000 * 40\% / 12 * 7) = 198331$

2003й  $(850000 - 198331) * 40\% = 260668$

2004й  $(850000 - 198331 - 260668) * 40\% = 156400$

2013й  $(850000 - 198331 - 260668 - 156400) * 40\% / 12 * 5 = 115600$

$(198331 + 260668 + 156400 + 115600) = 730999$

Дт 0250 “Компьютернинг жамғарилган эскириши” счети 730999

Кт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 730999

*Сотии баҳосига*

Дт 5110 “Пул маблағлари” счети 150000

Кт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 150000

*Молиявий натижса суммасига*

Дт 9210 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш” счети 30999

Кт 9310 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда” счети 30999

3) ишлаб чиқариши мақсадидага фойдаланилаётган бино бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$45000000 * 28 / 465 / 12 * 1 = 225806$

$45000000 * 27 / 465 / 12 * 11 = 2395161$

$(225806 + 2395161) = 2620967$

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 2620967

Кт 0220 “Бинонинг жамғарилган эскириши” счети 2620967

4) дизель-генератор бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$(1650000 - 49500) / 13 = 123115$

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 123115

Кт 0230 “Дизель-генераторнинг жамғарилган эскириши” счети 123115

5) Комплекс қурилмалар бўйича ҳисобланган эскириши суммасига  
 $9000000/13 = 692308$

Дт 2010 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счети 692308

Кт 0230 “Ускунанинг жамғарилган эскириши” счети 692308

6) Компрессор машиналари ва ускуналари бўйича ҳисобланган эскириши  
суммасига

$(13500000-270000)/7 = 1890000$

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счети 1890000

Кт 0230 “Компрессорнинг жамғарилган эскириши” счети 1890000

7) 1-мебеллар тўплами бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$800000*5/28/12*1 = 11905$

$800000*4/28/12*11 = 104762$

$11905+104762 = 116667$

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 116667

Кт 0240 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 116667

8) офис жиҳозлари бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$100\%/7 \text{ йил} = 14,3\%*2 = 28,6\%$

$1600000*28,6\% /12*7 = 266933$

$(1600000-266933)*28,6\% = 381257$

$(1600000-266933-381257)*28,6\% = 272218$

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 272218

Кт 0240 “Офис жиҳознинг жамғарилган эскириши” счети 272218

9) 2-мебеллар тўплами бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$1250000*7/28/12*9 = 234375$

$1250000*6/28/12*3 = 66964$

$(234375+66964) = 301339$

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 301339

Кт 0240 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 301339

10) 2-Компьютер Р-4 бўйича ҳисобланган эскириши суммасига

$(1000000-10000)/5/12*11 = 181500$

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 181500

Кт 0250 “Компьютернинг жамғарилган эскириши” счети 181500

*11) Ксерокс бўйича ҳисобланган эскириши суммасига*  
 $(1500000-15000)/5 = 297000$   
Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 297000  
Кт 0250 “Мебелнинг жамғарилган эскириши” счети 297000

*12) Нексия автомобили бўйича ҳисобланган эскириши суммасига*  
2003й  $16000000*40%/12*3 = 1600000$   
2004й  $(16000000-1600000)*40% = 5760000$   
2013й  $(16000000-1600000-5760000)*40% = 3456000$   
Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 3456000  
Кт 0260 “Автомобилнинг жамғарилган эскириши” счети 3456000

*13) Юк автомашина – КАМАЗ 2013 йилда 150000 км масофани босиб ўтган ва ҳисобланган эскириши суммасига*  
 $(60750000-3037500)/1200000 = 48,09$  сўм/км  
 $150000*48.09 = 7213500$   
Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счети 7213500  
Кт 0260 “Юк машинасининг жамғарилган эскириши” счети 7213500

### **Молиявий коэффициентлар**

*1. Асосий воситаларнинг эскирганлик коэффициенти*  
Йил бошида  $27344365/164900000 = 0,17$   
Йил охирида  $45154913/178807815 = 0,25$

*2. Асосий воситаларнинг янгиланиши коэффициенти*  
 $13907815/178807815 = 0,08$

## **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТИ**

01.01.2013й – 31.12.2013й давр учун **МЧЖ “Гавҳар”**  
Бухгалтерия баланси ва Бухгалтерия ҳисботни текшириш натижаси тўғрисида

### **1. Узоқ муддатли активлар** **Асосий воситалар ҳисоби**

Асосий воситалар ҳисоби 5-БҲМС талабларига жавоб беради.

Асосий воситалар балансда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қийматида акс эттирилади.

Шартномага биноан узок муддатли ижарага бино олинган – 13907,8 минг сўм, ижара 10 йил муддатга олинган, йиллик 10% ставкада, ҳар олти ойда 1116,0 минг сўм миқдорида асосий қарз ва фоиз тўлаб берилади.

1 январь 2013 йил ҳолатида асосий воситалар қайта баҳоланмаган.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоб сиёсатига биноан амалга оширилган. Ҳисобланган эскириш суммаси айрим асосий воситаларга нисбатан нотўғри ҳисобланган ва харажатлар счетига нотўғри акс эттирилган.

<b>Асосий воситалар номи</b>	<b>Мижоз маълумоти бўйича</b>	<b>Аудит маълумоти бўйича</b>	<b>Фарқ</b>
Бино - ишлаб чиқариш мақсадларида	1395,2	2621,0	-1225,8
Дизель -генератор	126,9	123,1	+3,8
Комплекс қурилмалар	692,3	692,3	-
Компрессор машиналари ва ускуналари	1890,0	1890,0	-
1-мебеллар тўплами	114,3	116,7	-2,4
Офис жиҳозлари	267,9	272,2	-4,3
2-мебеллар тўплами	457,6	301,3	+156,3
1-Компьютер Р-4	-	115,6	-115,6
2-Компьютер Р-4	198,0	181,5	+16,5
Ксерокс	297,0	297,0	-
Автомобил Нексия	6400,0	3456,0	+2944,0
Юк автомашина - КАМАЗ	8244,6	7213,5	+1031,1
Кутубхона фонди	-	-	-
Ижарага олинган бино	1390,8	1261,3	+129,5

Жадвалга биноан жами  $(4281,2-1348,1) = 2933,1$  минг сўм миқдорида эскириш харажатлари кўпайтириб кўрсатилган.

*Тавсия:* асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усууларидағи ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқиш;

Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасини харажатлар счетига тўғри олиб бориш учун 21-БХМСга амал қилиш;

1 январь 2013 йил ҳолатида асосий воситалар қайта баҳолаш.

### **ШАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЁНҒИНГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР**

#### **3.1. Самарқанд банк колледжида маъмуриятнинг ҳавфсиз ва соғлом иш шароитини ташкил қилганлик ҳолати ва мажбуриятлари**

Республикамизда фаолият олиб борадиган барча корхона ва ташкилотларда, шу жумладан Самарқанд банк колледжида ҳам ҳавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси саналади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига коллеж директори, директор муовинлари, бўлим бошлиқлари, яъни ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб борувчи шахслар киради.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаблар, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга харакат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушиниб амалга оширишлари, меҳнат шароити - тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган.

Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш 13-моддада келтирилган.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва ҳавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари 14-моддада кўрсатилган.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик билан қараси натижасида баҳтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин. Баҳтсиз ҳодисанинг оғир, энгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир корхона, шу жумладан касб-хунар коллежи ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган. Бу жавобгарлик ишчилар учун – огоҳлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, жиддий ҳайфсан эълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга ўтказиш ёки шу муддатда паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Жиноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза қилишқоидаларнинг қўйпол равища бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса баҳтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузища айблангандар раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлаштириш ёки маълум муддатда озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Маъмурий жавобгарлик. Бу ишчи ва хизматчиларни ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилишқоида ва нормаларнинг ишчи ва хизматчилар томонидан бузилиши натижасида корхона моддий зарар кўрса, шузарарнинг

бир қисми ёки ҳаммаси айбдор шахс томонидан туланишимоддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ёки тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Чегараланган моддий жавобгарликда корхонага этказилган зарар маъмурият буйруғи билан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан биридан ошмаслиги шарти билан) ушлаб қолинади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик жиноят содир бўлган тақдирда ва айбдор жиноий иш қилган бўлса, уни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда корхонага келтирилган моддий зарарни ҳам тўлиққоплашга мажбур қилинади. Бундай жавобгарлик қарорларини туман ёки шаҳар суди органлари чиқаради. Бу ҳолда корхона маъмурияти томонидан айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

### **3.2. Самарқанд банк коллежида меҳнат муҳофазаси ва ёнғинга қарши тадбирларнинг ташкил этилиш даражаси**

Самарқанд банк коллежида меҳнат муҳофазаси, ёнғинга қарши тадбирлар қониқарли ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир киши меҳнат қилиш, қонунда белгиланган тартибида эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир. Мажбурий меҳнат таъқиқланади. Республикамиздамеҳнат қонунчилиги фақатгина иш шароитини яхшилаш ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш вазифаларинигина қўриб чекланмай, балки ходимларни ишдан бўшатиш ва ходимлар билан корхона маъмурияти ўртасидаги жанжални муҳокама этишни тартибга солади ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиласди.

Маъмурият ишлаб чиқаришда хавфсиз техника воситаларини тадқиқ этиш, санитар-гигиеник шароитларни яратиш, турли касбий касалликларни олдини олиш чораларини кўрган. Шу билан бирга ишга келувчи ходимлар

ўртасида техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича инструктажлар ўtkазиб туриш маъмуриятга юкланган.

Маъмурият касаба уюшма қўмитаси ҳамда бошқа давлат органлари билан биргаликда баҳтсиз ҳодисаларни ўз вақтида кўриб чиқишилари шарт.

Ёнғин ва портлашлар моддий зарар этказадилар ҳамда инсонлар оғир шикастланишига ва ҳалок бўлишларига олиб келади.

Ёнғин хавфсизлигига объектнинг шундай ҳолатига, бундай ёнғинни келиб чиқишига йўл қўймайди, аммо ёнғин содир бўлган ҳолларда уни одамларга заарли таъсирининг олди олинади ва моддий бойликлар сақланиб қолади. Ёнғин деб маҳсус узоқдан ташқари содир бўлиб моддий зарар этказадиган назорат қилинмайдиган ёнишга айтилади.

Ёнғиннинг инсонларга таъсир этувчи заарли омилларига очиқ олов, учқун ва тутун, ҳаво ва предметларнинг юқори температураси, кислород камайиши ва заарли маҳсулотлар, иморат ва ишшоатларнинг бузилиши ҳамда портлашлар киради.

Ёнғинни ўчиришда профессионал ўт ўчирувчилар келгунча бирламчи (енгаввал қўлланиладиган) ўт ўчирадиган техникавий воситалардан фойдаланилади. Уларга ОР-5, ОРХ-10 кимёвий кўпик ёрдамида ўчириладиган ўт ўчириш; ОВП-5 ҳаво кўпикли ўт ўчиргич, ОИ-2 карбонат кислотаси ўт ўчиргич, ОИВ-3, ОИВ -7 карбонат кислота бром этили ўт ўчиргичлар киради. ОРХ-10 ўт ўчиргич кимёвий кўпикли турларига киради. У ишқорнинг сувдаги эритмаси солинган пўлат корпусдан ва кислота аралашмаси солинган полиетилен (ёки шиша) стакандан иборат. Ўт ўчиргични ишга тушириш учун бир қўл билан унинг дастасидан ушланади ва бошқа қўл билан даста юқорига  $180^{\circ}$  га бурилади. Бунда клапан очилади. Шундан сўнг ўт ўчиргичнинг туби юқорига оширилади ва пуркагичи аланга томон йўналтирилади. Бунда сода кислота билан ўзаро кўп микдорда карбонат ангидрид гази ҳосил бўлади. Бу газ ўт ўчиргич ичидаги моддаларни кўпиклантиради. Бу ўт ўчиргич 1 мухит вақт ичидаги 55 литр кўпикни 6,8 масофада чиқариб ташлайди. Ўт ўчиргични қабул қилиб олиш вақтида унинг корпуси 20 кш кисм квадрат босим билан 1 минут

давомида гидровлик синовдан ўтказилади. Кейинчалик уларнинг 25% қисми 1 йил, 50% и 2 йил ишлатилгандан сўнг синалади. Уч йил ишлатилгандан сўнг уларни ҳаммаси синалади. Ўт ўчирувчиларнинг зарядлари хоссаларини 5,6 йилгача ўзгартирмайди, шу сабабли уларни корпуслари синалгандан сўнг ҳам зарядларидан фойдаланилади.

ДВП-5 ўт ўчиргич ҳаво кўпикли бўлиб, унда 5 литр ҳажмда кўпик ҳосил қилувчи модданинг 4,5% сувдаги эритмаси бўлади. Уни ишга тушуриш учун ўчиргични дастасидан ушлаб ёнғинга қаратилади, сўнгра эрга қўйиб ишга тушириш ричаги босилади. Шунда ричаг билан балончадаги 175 кг Ксм квадрат (17,2 Р ма) босимли карбонат ангидрид гази чиқадиган йўлда ўрнатилган мембраннынг штоки тушади. Газ юқоридан эритма юзасини босади ва уни ситон найча орқали пастдан юқорига сиқиб чиқариб бергамент мембарнани эритади. Кейин эса чиғарма найча ҳамда тўр раструб орқали сиқиб чиқарилади. Эритма оқими астубдаги туйник орқали ҳавони сўради. Натижада ҳавода механик кўпик ҳосил бўлади. Унинг кўпиклик даражаси кимёвийга нисбатан 50 марта ортиқ, ўт ўчиргич кўпикни 20 соат давомида 4,5 м масофода пуркайди.

ОИ-2 ўт ўчиргич электр установкаларданчиқсан ёнғинларни ўчиришда қўлланилади, чунки уларда карбонат кислотасидан фойдаланилади. Карбонат кислотаси электр токини ўтказмайди. Бу ўчиргичлар 170 кг Ксм квадрат (16.7 МПа) босимли суюқ карбонат кислота солинган 2 литр сигимли балон бирдан ситон найча 2 л вентал ва раструбдан иборат.

Сақлагичдаги мембрана баландлиги босим 21,6 Мпа (220 кгс) кўтарилиганда балоннинг температураси  $50^0$  гача кўтарилиб, йиртилишига мўлжалланган.

## **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**

“Асосий воситалар ҳисоби” юзасидан ўтказилган изланишларимиз натижасида юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса сифатида айтиш мумкинки, республикамиз таълим тизимига кириб келаётган илғор инновацион таълим усулларидан бири - модулли ўқитиш усулидир. Модул тушунчаси - бу дидактик мақсадлар, мантиқан тугалланган (фанлараро ва фан ичидағи боғланишни ҳисобга олиб тузилган) ўқув материали қисми, (дидактик материаллардан иборат) услубий қўлланма ва назорат тизимини ўз ичига оловчи, ўқув фанининг алоҳида ташкилий услубий тузилишидир.

Модул блоклари назарий, амалий ва назорат қисмларидан иборат бўлади.

Модулли ўқитиш ахборотли материални мақсадга қаратилган вазифа тамойили, ўқув материалини мукаммаллик тамойили, қайтар алоқа тамойилига асосланади. Модулли ўқитиш усулининг назорат тизими ўқувчилар томонидан фанларни ўз вақтида ўзлаштиришга, мавзу юзасидан кўпроқ китоблар ўқишга мажбур қиласди. Бу эса ўқувчининг мустақил ишлашга ўргатади.

-Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

-Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутаҳассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

-Инновацион жараёнлар, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

-Ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

-Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

-Бухгалтерия ҳисобини ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш таълим олувчиларнинг нафақат назарий билимларини ошишига, балки амалий кўникмаларининг ҳам ривожланишига олиб келади.

Илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутади. Булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон ўйинлар, муаммоли ҳолатларни, кейс - стадиларини ечиш ва ҳоказолардир. Ушбу усуллар ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишда, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини топишда ёрдам беради. Шунингдек, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш давлат таълим стандартини амалга оширишда амалий восита ҳисобланади.

Одатдаги дарсларининг анъанавий тарзда, илғор педагогик усулларсиз олиб борилиши ўқувчидан фаоллик талаб қилмайди. Дарсни ўзлаштириш ҳам осондай туюлади, фанга нисбатан қизиқиш уйғонмайди. Муаммоли ҳолатларнинг яратилиши “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўрганишда муаммоларни аниқ мисоллар ёрдамида ечилиши ўқувчини фанга қизиқтиради. Унинг фаоллигини ошириб, кенгроқ фикрлашга, мақсадга қараб интилишга, керакли билим ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, битирув малакавий иш юзасидан қўйидаги тавсиялар берилди:

1. “Бухгалтерия ҳисоби” фани бўйича ўқувчиларнинг мустақил таълим олишлари ёки олган билимларини янада бойитишлари учун видеодарслар тақдим этиш лозим. Видеодарслар мавзунинг асосий мазмунини қамраб олади ва мониторда тасвир билан бирга гапирилаётган гаплар ҳам матн тарзида кўрсатиб борилади.

2. Кичик мутахассислик йўналишлари бўйича модулли ўқитиш жараёнида ўқувчиларни бевосита амалиётга жалб қилиб, фан тугагандан сўнг амалиёт ҳисботларини қабул қилиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
5. “Malakali pedagog kadrlar tayyorlash hamda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarini shunday kadrlar bilan ta’minlash tizimni yanada takomillashtirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 28 maydagi PQ-1761-son qarori. «Xalq so‘zi» gazetasi, 2012 yil 29 may, №56 (12622).

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий – меъёрий хужжатлари**

6. Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг 2008 йил 19 майдаги 1812-сонли қарори билан тасдиқланган “Академик лицей ва касб-хунар коллежларилар ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

8. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг меъёрий-хуқуқий хужжатлар тўплами. -Т.: 2013 (I-II том).

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асрлари ва маърузалари**

9. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистон, 2017.
10. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. - Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ. 1-4 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

#### **V. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти**

##### **И.А.Каримов асрлари ва маърузалари**

12. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 304 б.
13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 440 б.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. 176 б.

#### **VI. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий қўлланмалар**

16. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент НОРМА 2010.
17. Жўраев Н., Бобоҷонов О., Абдуваҳидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. ТДИУ. Т.: 2007. -382 б.

18. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004. –592 б.
19. Просветов Г.И. Управленческий учет: Задачи и решения. Учебно-методический пособие. 2006, 272с.
20. Сотиволдиев. А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги счётлар режаси асосида), О’зВАМА-2005, 1-2том.
21. Сугаипова И.В. Бухгалтерская финансовая отчетность. Учебное пособие.- Ростов на Д: ФЕНИКС, 2004.- 224 с.
22. Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: “ЎАЗБНТ” Маркази, 2004.- 352 б.
23. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.: ООО Askeri, 2004.
24. Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Х., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент “НОРМА” 2010.
25. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби (Дарслик) / -Т.: “Иқтисодмолия”, 2005. - 306 б.
- 26.Хендриксен Э.С. Теория бухгалтерского учета. М. Проспект, 2008.
27. Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учёт: Учебное пособие. Тошкент, 2008.-530 с.
28. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
29. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
30. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
31. Бекмуродов А.Ш, Голиш Л.В, Пулатов М.Э, Хажиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе: Методическое пособие. - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.

32. Тожибоева Д., Юлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Алоқачи, 2009
33. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000
34. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Мақсад белгилаш ва уч даражали тестларни ишлаб чиқишинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013.
35. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления.- Т.: Минвуз, 2002.
36. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В, Рихсимбоев О.К. Кейс-стади – иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологялари: Илмий-услубий қўлланма. Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
37. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.М. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. - Т.: ФАН, 2002.
38. Курбонов Ж.М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Услубий кўрсатма. – Самарқанд.: СамИСИ, 2010.

### **VII. Статистик тўплам ва нашрлар**

39. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2010-2016 йй.
40. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари. 2010-2016 йй.

### **VIII. Интернет маълумотлари**

41. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти
42. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳукумати портали
43. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Ахборот таълим портали
44. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси